БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 72 (563)

10 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЕСКИН РАВИШДА КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА ШУ МУРОЖААТДА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАР ОЛТИНЧИ БЕШЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ РАВИШДА ҲАЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИЛАР. ЧУНКИ ҲОЗИР БИЗДА ҲАММА ЭКИНЛАРДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛМОҚ ВА МАМЛАКАТНИ ДОН, ГЎШТ, СУТ, КАРТОШКА, САБЗАВОТ, МЕВА, РЕЗАВОР МЕВАЛАР ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБЧИҚАРИШИНИНГ БОШҚА МАҲСУЛОТЛАРИ БЛАН ЗАРУР МИҚДОРЛАРДА ТА'МИНЛАМОҚ УЧУН ЛОЗИМ БЎЛГАН ШАРТ-ШАРОИТНИНГ ҲАММАСИ БОР.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг «Барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, МТСларнинг, илмий-текшириш муассасаларининг, тажриба станцияларининг ходимларига, агрономларга ва зоотехникларга, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва мутахассисларига «Мурожаат»идан).

Олтинчи бешйилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтирайлик

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, МТСларнинг, илмий-текшириш муассасаларининг, тажриба станцияларининг ходимларига, агрономларга ва зоотехникларга, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва мутахассисларига қарата чиқарган Мурожаати кеча «Правда»да э'лон қилинди. Дон, техника экинлари ва бошқа экинлар ҳосилини, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш тўғрисида КПСС XX с'езди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда бу ҳужжатнинг катта аҳамияти бор.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати давлат манфаатлари, меҳнаткашларнинг манфаатлари талаб қилганида ҳамиша халққа мурожаат қилиб, уларни ўзининг меҳнат ва ғайратини коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал қилишга қаратишга чақирадилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг саноат ходимларига, бинокорларга, қишлоқ хўжалик ходимларига қарата ўтган йил чиқарган мурожаатлари барча совет кишиларининг эсидадир. Ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция партия ва ҳукуматнинг бу мурожаатларига жавобан ўзларининг ижодий активликларини кенг миқ'ёсда юксалтириб юбордилар ва хўжалик қурилишининг энг муҳим учаткаларида жиддий муваффақиятларга эришдилар.

Эндиликда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига мурожаат қилиб, уларни олтинчи бешйилликнинг биринчи йили бўлган бу йилда қишлоқ хўжалик ишларини муваффақиятли тўғазишга чақирдилар. Партия ва ҳукумат КПСС XX с'езднинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш тўғрисидаги қарорларининг ҳаёт бажарилиши учун ҳозир ҳал қилучи пайт бошланди, деб ҳисоблайдилар.

Ўтган йили колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, мутахассислар, қишлоқ хўжалигининг ҳамма ходимлари яхши меҳнат қилдилар ва Қозоғистонда, Ғарбий Сибирьда ва бошқа бирқанча областларда қаттиқ қурғоқчилик бўлганлигига қарамай, мамлакатда энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аввалги йилдагига қараганда анча кўп етиштирилди.

Янги хўжалик йилида кўпчилик колхозлар ва совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришда ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий муваффақиятларга эришдилар. Мамлакат колхозларида сотиб олинган сутнинг ялпи миқдори 1955—1956 йил октябрь — февраль ойлари мобайнида ўтган хўжалик йилининг шу давридагига нисбатан 1,3 миллион тонна, ёки 63 процент кўпайди. Колхозларда бўрдоқига боқилаётган чўчқаларнинг сони 1956 йил 1 мартда 3 миллион бошдан ошиб кетди. Бу эса, ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда уч баравар кўпдир. Мана, шуларнинг ҳаммаси совет халқини қувонтираётир ва КПСС XX с'езди томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига зўр ишонч туғдирмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қишлоқ меҳнаткашларининг э'тиборини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига жалб қилмоқда.

«Ҳозирги вақтда аввало нималар қилмоқ керак? — дейилади Мурожаатда. — XX с'езд қарорларида айтилганидек, асосий вазифа ғалла проблемасини ҳал қилишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш шу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилинишига боғлиқдир. Партия ва ҳукумат ҳужжатларида ғалла проблемасини ҳал қилиш йўллари ва усуллари тўла ва муфассал баён қилиб берилган. КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети қишлоқ хўжалигининг айрим масалаларига қишлоқ хўжалик ходимларининг э'тиборини ҳозирги вақтда яна бир марта қаратиш ва тортиш зарур деб ҳисоблайдилар, чунки дон етиштиришни бу йилнинг ўзидаёқ кўпайтириш шу масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир».

Булар қандай масалалар? Аввало кўкламги экишга тайёргарлик кўриш, баҳори экинларни яхши ишланган ва ўғитланган тупроққа энг яхши муддатларда, яхши сифатли уруғлиқлар блан экиб олиш, уруғликни белгиланган нормада тўла равишда экиш ва ерга яхши жойлаштириш керак. Қўриқ ва бўз ерларда экишни ўз вақтида ўтказишга алоҳида э'тибор берилиши лозим, чунки қўриқ, бўз ерлар бугдой ва бошқа дон экинлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манба'ларидан биридир.

Маккажўхори экишни кўпайтириш қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг энг зарур вазифалари қаторида мухим аҳамиятга эгадир. Ўтган йил мавзий областларнинг районларида, шарқишимолий ва ғарби-шимолий районларда, Сибирьда ва Қозоғистонда маккажўхори биринчи марта оммавий тартибда экилди. Гарчи маккажўхори экинлари учун об-ҳаво шароити ғоят ноқулай келган бўлса ҳам, илғор колхозлар ва совхозлар мўл ҳосил етиштирдилар. Шу блан бир вақтда, районларнинг бир қисмида раҳбарлар, колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари маккажўхори экишни кўнгилдагидек ўрганмаганликлари ва маккажўхори экинини тузук парвариш қилишни ташкил этмаганликлари сабабли маккажўхори кам ҳосил берди, ёки бутунлай унмай қолди. Ўтган йилнинг сабоқларидан жиддий хулосалар чиқариб олиш ва маккажўхорини ўрганишга ва жорий қилишга коммунистларга хос ғайрат блан киришиш, ўз вақтида тайёргарлик кўриб, маккажўхорини яхшилаб экиб олиш, уни намунали парвариш қилишни ташкил этиш зарур.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалик ходимларига мурожаат қилиб, картошка, сабзавот, полиз экинлари ва мевалардан колхозларда ва совхозларда мўл ҳосил етиштириши ишнинг кўзини билиб ташкил этиш вазифасини қўйдилар. Қанд лавлаги, пахта, зигир, конопля ва бошқа техника экинлари ҳосилини етиштиришни кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Совет қишлоғининг меҳнаткашлари чорвачиликни янада ривожлантириш вазифаларини зўр ғайрат блан ҳал қилмоқчиалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Миинстрлар Совети, бу йилнинг ўзидаёқ сут ва гўшт етиштиришни анча кўпайтириб, шу маҳсулотлар блан мамлакатни та'минламоқ учун бизда етарли равишда қулай шарт-шароит вужудга келди, деб ҳисоблайдилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш тўғрисидаги партия ва ҳукумат топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун Воронеж областининг қишлоқ хўжалик ходимлари ташаббуси блан бошланган мусобақа тобора кенгайиб бормоқда. Воронеж колхозчилари ўз мажбуриятларини бажариш учун курашиб, хўжалик йилининг беш ойи мобайнида сотиб олинган сутнинг ялпи миқдорини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,2 баравар кўпайтирдилар.

Украина ССР, Краснодар ўлкаси, Тамбов, Белгород, Рязань ва бошқа областларнинг қишлоқ хўжалик ходимлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар ва бу мажбуриятларни муваффақият блан бажармоқдалар. Бошқа ҳамма районларнинг ҳам шу илғор районлардан ўрнак олишлари ва бу эса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга, халқ фаровонлигини янада оширишга олиб келиши шак-шубҳасиздир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатини миллион-миллион қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қизғин равишда кутиб олдилар. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, илмий ходимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари партия ва ҳукумат белгилаб берган тадбирларни амалга оширишга ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини айтмоқдалар. Одесса областининг Арцизский районидаги «Червоний прапор» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Корнейчук:

«Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаати бизнинг ғайратимизга ғайрат қўшди. Звеномизнинг а'золари жонажон партия ва ҳукуматнинг чақиригига жавобан бу йил 60 гектар ерга экилган маккажўхорининг гектаридан эса 135 центнердан маккажўхори сўтаси етиштиришга сўз бермоқдалар», деди.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, — дейди Олтой ўлкасининг Рубцовск районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг агрономи Ўртоқ Одокиенко,— бизнинг ўтган йилдаги меҳнатимизга юксак баҳо бердилар. Лекин эришилган натижалар блан қаноатланиб қолиш ярамайди. Биз бу йил ҳам барча экин майдонида мўл ҳосил етиштиришимиз мумкин.

«Ростсельмаш» ишчилари партия ва ҳукумат Мурожаатини жуда катта э'тибор блан кутиб олдилар. Маккажўхори комбайнлари цехининг слесари Ўртоқ Мацко бундай деди:

— Комбайнсозлар олтинчи бешйилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалигига юқори сифатли машиналарни кўпроқ бериш учун бутун кучларини сарфламоқдалар.

Чин қалбдан айтилган бу сўзларда партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбирлари қизғин ма'қулланмоқда. Шу нарса шак-шубҳасиздирки, колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари фидокорона меҳнат қилиш, кўкламги экишни намунали ўтказиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашда янги муваффақиятларга эришиш блан партия ва ҳукумат чақиригига жавоб берадилар.

— Агар биз ҳаммамиз, — дейилади КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатида, — вазифаларни бажаришга ҳарқайсимиз — ишчилар, колхозчилар, инженерлар, техниклар, агрономлар, зоотехниклар ва бошқа мутахассислар ўз участкамизда аҳил бўлиб ишга киришсак, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва меҳнаткашларимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш вазифаси муваффақият блан бажарилиши ва олтинчи бешйилликнинг биринчи ҳал қилучи йили бутун олтинчи бешйиллик планнинг ошиғи блан бажарилиши учун яхши почин бўлиб хизмат қилиши шак шубҳасиздир.

(«ПРАВДА»нинг 9 апрельдаги бошмаколаси).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаати қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий ташаббусини янада ошириб юборди



Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг а'золари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатини зўр қизиқиш блан ўрганмоқдалар. **Суратда:** колхозчи ўртоқ **Х. Салимов** Мурожаатни 12-нчи бригада а'золарига ўқиб бермоқда.

И. Глауберзон, В. Сироткин фотоси.

Партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатидан руҳланиб

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, МТСларнинг, илмий текшириш муассасаларининг, тажриба станцияларининг ходимларига, агрономларига ва зоотехникларига, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва мутахассисларига Мурожаат»ини областимизнинг пахтачилик, сабзавотчилик колхозлари а'золари, МТС ходимлари колхоз ва совхозларда чигит, сабзавот, маккажўхори ва бошқа экинларни экиш ҳартомонлама кучайтирилаётган даврда кутиб олдилар. Барча колхоз, совхоз ва МТС ларда партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаати баланд руҳ блан муҳокама қилиниб, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини экинлар ҳосилини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотларини тобора ошириш учун курашга отлантирмоқда.

Областимизнинг илғор колхозлари, бригадаларининг а'золари бу йил чигит экишни ҳар йилгидан ҳам пухта тайёргарлик кўриб, ғоят уюшқоқлик блан кутиб олдилар.

Бу йил ҳар гектар ер пахта ҳосилини 3,5 центнер кўпайтиришга қарор қилган Чиноз районидаги Молотов номли колхоз а'золари 517 гектар ернинг ҳаммасида чигит экишни қизитиб юбордилар. Улар бу йил ҳамма майдонларга чигитни квадрат-уялаб ва торқаторлаб экадилар. Бунинг учун барча тайёргарлик ишлари бартвақт кўрилиб қўйилди. Карталар яхшилаштирилди, ерлар текисланди. Шудгор қунт блан бароналаниб, чигит экишга сифатли тайёрланди. Квадрат-уялаб чигит экиладиган ерлар квадратларга ажратилиб, контроль чизиқлар ўрни, агрегатнинг биринчи йўли режаланиб қозиқлар қоқилди. Бу эса чигитни янги усулда тўғри экилишини та'мин этмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз Мурожаатидан ғоят руҳланган колхозчилар пахта ҳосилини оширишда юксасдан социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Мўл ҳосил етиштириш юзасидан мусобақалашаётган М. Тўлаганов, М. Жангиров, У. Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг а'золари партия ва ҳукуматимиз чақиригига жавобан бу йил давлатга ҳар гектар ердан 30—35 центнердан пахта етиштириш учун астойдил курашмоқдалар.

С. ХАМРАЕВ.

Механизаторларнинг янги мажбурияти

Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозида хизмат қилаётган ўртоқ Ф. Тарасенко бошлиқ бригаданинг тракторчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалигининг бошқа ходимларига қарата қилган Мурожаатини ғоят кўтаринки руҳ блан кутиб олдилар. Механизаторлар колхозда пахта ҳосилини ошириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиш мажбуриятини олиб, унумли ишламоқдалар.

Бригада механизаторлари Мурожаатга жавобан чигит экиш сур'атини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Айниқса квадрат-уялаб чигит экишга алоҳида э'тибор бераётирлар. Бригада а'золари чигитни 15 апрельгача экиб тамомлаш, ҳарбир универсалчи экиш нормасини ошириб бажариш учун курашаётир. Бригада 60 гектар ерга чигит экди. Универсалчилар ўртасида социалистик мусобақа янада кучайтирилди. Универсалчи П. Куприялов ҳар куни 8 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиб, нормасини ошириб бажармоқда. Турғунбоев, Холменов ўртоқлар ҳам кунига 12 гектар ерга ва ундан ошириб чигит экмоқдалар.

Сталин номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Т. Мамаюсупов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари сменада 12—13 гектар ерга чигит экишдилар. Улар 25 гектар ерга сифатли қилиб квадрат-уялаб чигит экиб бердилар.

Механизаторлар унумли меҳнат қилиб, колхозларда пахта ҳосилини оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун янада ғайрат блан ишлайдилар.

З. АЛИМОВА.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Англияга боришига доир

Совет гражданлари Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Буюк Британия ҳукуматининг таклифига биноан Англияга қиладиган сафари тўғрисида ахборот бериши мўлжалланмоқда. Англия ҳукумати томонидан таклиф қилинган программага мувофиқ, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Англияда бўлган вақтларида Англия ҳукуматининг раҳбарлари блан ҳамда Буюк Британиянинг сиёсий арбоблари блан учрашадилар ва суҳбатлар ўтказадилар. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Лондондан ташқари яна Харуэлл, Оксфорд, Эдинбург, Бирмингам ва бошқа ба'зи шаҳарларга ҳам боришлари кўзда тутилади. Совет раҳбарлари, жумладан, Харуэлддаги атом энергиясини ўрганиш марказини, Бирмингамдаги Британия саноат ярмаркасини бориб кўрадилар, Маремдаги Король Ҳарбий Ҳаво кучлари базасида бўладилар, деб мўлжалланган.

Совет раҳбарлари Англиядан 27 апрельда жўнаб кетадилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Англияга сафар қилишлари муносабати блан Англиядаги муассасалар, жамоат ташкилотлари ва айрим инглиз гражданларидан улар номига жуда кўп хатлар олинди. Шу хатларда, совет раҳбарлари Англияда бўлган вақтларида ба'зи заводларни, фабрикалар, муассасаларни бориб кўрсалар ва айрим инглиз гражданлари блан учрашсалар яхши бўлур эди, деган фикрлар айтилмоқда. СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малекнинг берган хабарига қараганда, совет элчихонасига ҳам худди шу мазмунда кўпгина хатлар келган.

ТАСС мухбири Н. А. Булганинга ва Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, бу масала юзасидан ўз фикрларингизни айтиб бермсангиз, деб илтимос қилди.

Улар, бизлар блан учрашишни истаётган инглиз гражданларининг истакларини жуда яхши тушунамиз, дедилар.

Совет раҳбарлари Буюк Британиянинг ҳукумат раҳбарлари ва жамоат арбоблари блан бўладиган музокараларга катта аҳамият бермоқдалар ва шу блан бирга улар корхоналарда ҳамда муассасаларда ишлаб турган оддий кишилар блан учрашишни истайдилар, чунки бундай учрашувларни инглиз ва совет халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Совет раҳбарларининг Англияда бўлиш программаси Англия томонидан тузилган. Совет раҳбарларининг Англияда бўлишига доир программанинг дастлабки лойиҳалари, расмий шахслар блан қилинадиган суҳбатлар блан бир қаторда Англия томони совет раҳбарларининг турли саноат корхоналарини, муассасаларни ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалик районларини, шу жумладан Шотландиядаги ва Уэльсдаги корхоналарни бориб кўришларини кўзда тутган эди.

Англия турмушининг турли жиҳатлари блан кўпроқ танишиш имкониятига эга бўлмоқ учун Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Англияда бўлиш муддатини яна икки кун чўзишни истагганликларини билдирдилар. Бунда улар Англияда яна икки кун туриш Англиянинг раҳбар арбоблари блан шошилмасдан тагин ҳам бафуржа музокаралар олиб боришга имконият беришини, шунингдек кўпроқ корхоналарни ва муассасаларни, жумладан, Шотландия ва Уэльсдаги корхоналарни ва муассасаларни бориб кўришга имкон беришини назарда тутдилар. Лекин Англия томони совет раҳбарларининг Англияда бўлиш муддатини чўзишга розилик берганлигига қарамай, Шотландия ва Уэльсдаги корхоналарни ва муассасаларни бориб кўриш ҳамда аҳоли блан учрашиш, афсуски, программага киритилмади. Яна бунинг устига бориб кўриш мўлжалланган кўпгина саноат об'ектлари Англия томонидан илгари таклиф этилган программадан чиқариб ташланди, ҳолбуки Англия ташқи ишлар министрлиги томонидан юборилган охирги программада Бирмингамдаги корхоналарни бориб кўриш кўзда тутилган эди, лекин бу корхоналарни ҳам бориб кўриш нима учундир кейинги кунларда программадан чиқариб юборилди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ТАСС мухбири блан суҳбатда, меҳмондўст инглиз гражданларидан илтифот қилиб шундай таклифлар юборганликлари учун ўзларининг ғоят миннатдор эканликларини, лекин бу таклифлардан фойдаланаолмасликларини, чунки Англия томонидан тузилган программага инглиз гражданлари айтган жойларни бориб кўриш киритилмаганлигини айтдилар.

Афтидан, Англияда совет раҳбарларининг Буюк Британия аҳолиси блан тагин ҳам кенгроқ алоқада бўлишларига йўл қўйишни истамаётган қандайдир кучлар ҳали ҳам борга ўхшайди.

Бу йил ҳосил янада мўл бўлади

Майолди умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоз пахтакорлари чигит экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун курашмоқдалар. Улар механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, чигит экишни районда биринчилар қаторида бошлаб юбордилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатини ғоятда баланд руҳ блан кутиб олган колхоз а'золари унга ўзларининг амалий ишлари блан жавоб бериш мақсадида чигит экишни ҳартомонлама кучайтириб юбордилар.

— Мурожаат, — дейди илғор бригада бошлиғи ўртоқ М. Нурматов, кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб юборди. Биз бу йил мавжуд пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан она-Ватанимизга 32 центнердан ҳосил етказиб бериш учун курашаётирмиз. Бунинг учун барча пахта майдонимизга чигитни квадрат-уялаб экиб, уни иккитомонлама механизмлар ёрдамида ишлаймиз. Колхозда қўшимча мажбурият олиб фидокорона меҳнат қилаётган бригада ва звенолар кўп. Чигит экишда олдинда бораётган И. Маллаев бошлиқ бригада а'золари 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли чигит экишни тугаллаш олдида турибдилар.

Шунингдек, колхознинг ўртоқ Р. Умаров бошлиқ бригада а'золари ҳар йили муттасил мўл ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш планини муваффақият блан бажариб келаётирлар. Улар бу йил 73 гектар ерда пахта етиштирадилар. Бунинг учун бригада а'золари чигит экишга пухта тайёргарлик кўрдилар. Жумладан, ерларга 150 тонна маҳаллий ўғит чиқариб солдилар. 3000 метрдан кўпроқ ариқ-зовурларни тозаладилар, ерларни текисладилар. Бу эса чигит экишни уюшқоқлик блан ўтказиш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисида партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатини зўр қувонч блан кутиб олган илғор бригаданинг а'золари чигит экишни тезда тугаллаш ва уни қийғос ундириб олиб ҳар гектар ердан бу йил 36 центнердан пахта етиштириш учун социалистик мусобақани қизитиб юбордилар.

Ж. СУЛТОНОВ.
Ғ. АЛИБЕКОВ.
Х. ХАФИЗОВА.

Ҳар гектар ер ҳосили 5 центнер кўпайтирилади

Бўстондиқ районининг пахтакор колхозлари бу йил чигит экишга пухта тайёрлик кўрдилар. Бу соҳада «Қизил тув», Молотов номли колхозларнинг а'золари қилган ишлар айниқса диққатга сазовор бўлмоқда. «Қизил тув» колхоз а'золари бу йил 400 гектар ерга чигитни янги усулда экадилар. Ўтган йил янги, прогрессив усулнинг афзаллигига тўла ишонч ҳосил қилган бу колхоз а'золари янги усулнинг пахта ҳосилини оширишда муҳим резерв эканини биладилар.

Ўтган йил давлат пахта тайёрлаш планини муваффақият блан бажарган бу колхоз а'золари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата қилган Мурожаатини зўр қувонч блан қарши олдилар. Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигидан ғоят миннатдор бўлган колхозчилар Мурожаатга жавобан бу йил 400 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 23 центнердан ҳосил етиштиришга, я'ни ҳар гектар ердан ўтган йилга нисбатан 5 центнердан кўп пахта топширишга аҳд қилдилар.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 9 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районлар	Ҳамма экилган ер
Янгийўл	17,6
Гулистон	13,4
Оқ-Қўрғон	13,2
Боёвут	12,3
Пискент	11,6
Верхне-волинск	10,7
Оржоникидзе	9,9
Чиноз	9,1
Бўка	9,0
Юқоричирчиқ	8,6
Сирдар'ё	7,4
Бекобод	6,6
Ўртасарой	6,3
Ўртачирчиқ	6,2
Мирзачўл	5,1
Октябрь	4,7
Калинин	2,0
Оҳангарон	0,0
Область бўйича жам'и:	9,1

Финляндия Республикасининг Президенти
УРХО КЕККОНЕН
Жаноб Олийларига

ХЕЛЬСИНКИ

Президент жаноблари, Совет Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартноманинг саккиз йиллиги муносабати блан Сизга ва Сиз орқали бутун Финляндия халқига самимий табрик ва энг яхши истакларимни йўллайман.

Ана шу Шартнома асосида Совет Иттифоқи блан Финляндия ўртасида вужудга келган дўстона муносабатлар ҳар иккала мамлакатимиз халқларининг бахт-саодати йўлида бундан буён янада мустаҳкамланади ва ривожланади, деб қаттиқ ишонч билдиришимга ижозат бергайсиз.

К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиуми Раиси.

Москва, 1956 йил 5 апрель.

Финляндия Республикасининг Бош Министри
К. А. ФАГЕРХОЛЬМ
Жаноб Олийларига

ХЕЛЬСИНКИ

Сиз Бош Министр жанобларидан ва Финляндия Ҳукуматидан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Совет-Финляндия Шартномасининг саккиз йиллиги муносабати блан менинг табрикларимни ва энг яхши истакларимни қабул қилишингизни сўрайман. Бу Шартнома мамлакатларимиз ўртасида дўстона, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришда гоят муҳим роль ўйнади.

Н. БУЛГАНИН.
СССР Министрлар Совети Раиси.

Москва, 1956 йил 5 апрель.

Финляндия Республикасининг Ташқи Ишлар Министри
Р. ТЕРНГРЕН
Жаноб Олийларига

ХЕЛЬСИНКИ

Министр жаноблари, Совет Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома имзоланган кунга бугун саккиз йил тўлиши муносабати блан менинг табрикларимни ва энг яхши истакларимни қабул қилгайсиз. Бу Шартнома ҳар иккала мамлакат халқларининг миллий манфаатларига ва тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларига жавоб беради.

В. МОЛОТОВ.
СССР Ташқи Ишлар Министри.

Москва, 1956 йил 5 апрель.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
К. Е. ВОРОШИЛОВ
Жаноб Олийларига

МОСКВА

Раис жаноблари, Финляндия Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома имзоланган кунининг саккиз йиллиги муносабати блан Финляндия халқининг ва шахсан менинг самимий табрикларимизни ҳамда ана шу Шартноманинг мустаҳкам негизида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ривожлантиришда бундан буён ҳам муваффақиятларга эришишни истаб изҳор қилган тилакларимизни қабул қилишингизни Сиздан сўрайман.

УРХО КЕККОНЕН,
Финляндия Республикаси Президенти.

Хельсинки, 1956 йил 5 апрель.

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. А. БУЛГАНИН
Жаноб Олийларига

МОСКВА

Раис жаноблари, Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома имзоланган кунининг 8 йиллиги муносабати блан Сизга ва Сиз орқали СССР Ҳукуматига Финляндия Ҳукуматининг ва шахсан ўзимнинг самимий табрикларимизни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг ана шу Шартнома руҳида бундан буён ҳам ривожланишини астойдил истаётганлигимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Бу Шартнома ўтган саккиз йил мобайнида ҳаётнинг барча соҳаларида халқларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликни мустаҳкамлашга жуда катта та'сир кўрсатди.

ФАГЕРХОЛЬМ,
Финляндия Бош министри.

Хельсинки, 1956 йил 5 апрель.

СССР Ташқи Ишлар Министри
В. М. МОЛОТОВ
Жаноб Олийларига

МОСКВА

Министр жаноблари, Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома имзоланган кунининг саккиз йиллиги муносабати блан изҳор қилган дўстона табрик ва истакларингиз учун Сизга ташаккур билдираман. Халқларимизнинг бахт-саодати ва Европада тинчликни мустаҳкамлаш йўлида Финляндия блан СССР ўртасидаги дўстона муносабатлар янада ривожланади деб ишонч билдиришимга ижозат бергайсиз.

Ральф ТЕРНГРЕН.
Финляндия Ташқи ишлар министри.

Хельсинки, 1956 йил 6 апрель.

Партия кутубхонаси

Темир йўл Тошкент бўлимининг ходимлари ўзларининг сиёсий ва иқтисодий билимларини ошириш устида қунт блан ишламоқдалар. Бу ерда юзлаб коммунистлар ва партиясиз активлар тўгаракларда, назарий семинарларда қатнашиш, мустақил ўқиш йўли блан марксизм-ленинизм назариясини ўрганаётирлар. Партия ташкилоти темирйўлчиларнинг сиёсий билимини тинмай ошириш, уларнинг марксизм-ленинизм назариясини пухта эгаллаб олишлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилаётир. Бу соҳада партия кутубхонаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар айниқса диққатга сазоворлир.

Партия кутубхонаси 16853 томлик сиёсий, иқтисодий, техника ва бадиий китоб фондига эга. Унда сиёсий ўқиш программасига оид темаларда стендлар, диаграммалар, фотовиставкалар ташкил қилинган.

Кутубхона партия маорифи шохобчаларида ишлаётган пропагандистларга айниқса катта ёрдам кўрсатмоқда. Кутубхона ҳузурида пропагандистлар учун доимий семинар ташкил қилинган. Пропагандистларга навбатдаги тема юзасидан машғулотни қандай ўтказиш ҳақида методик консультация берилади, машғулотни ўтказиш вақтида очилмай қолган айрим саволлар ҳал қилинади.

Темир йўл бўлимининг корхоналарида, участкаларида раҳбар партия ва хўжалик ходимлари учун конкрет экономикани ўрганиш юзасидан назарий семинарлар ташкил қилинган. Лекцияларни ўқиш ва семинар машғулотларни ўтказиш учун инженерлар, техниклар, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг профессорлари, ўқитучилари, шунингдек илғор темирйўлчилар жалб этилган.

Кейинги икки ой ичида назарий семинар қатнашчилари учун «СССР темир йўлини электрлаштириш—темир йўл транспортида техника прогрессидир», «Автотормоз хўжалиги», «Совет тепловози» каби темаларда лекциялар ўқилди. Кутубхона лекция ўқиш, семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда лекторлар ва семинар раҳбарларига яқиндан ёрдам бераётир. Кутубхонада ҳарбир семинар машғулотининг темасига оид виставка, семинар раҳбарлари ва конкрет экономикани ўрганувчиларга фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати тузиб чиқилади. Кутубхонада алоҳида виставка—витрина ташкил қилиниб, унда темир йўл Тошкент бўлимининг олтинчи бешйиллиқдаги ишқиболи диаграмма, схема ва графикларда акс этдирилган.

Кутубхона ходимлари активистларнинг ёрдами блан Тошкент темир йўл узелининг ишлабчиқариш фаолиятига доир факт ва рақамларни тўплаганлар ҳамда уларни умумлаштириб схема ясаганлар. Бунда газета, журналларда босилган ва темир йўл Тошкент бўлимига тааллуқли бўлган мақолалар, расмлар ҳам бор. Пропагандист ва агитаторлар учун «махсус папка» ташкил қилинган ва унга янги китобларнинг рўйхати, фойдаланиш учун тавсия этиладиган диаграммалар, альбомлар, карталар, марказий ва маҳаллий газета, журналлардан қирқиб олинган мақолалар солиб қўйилади.

Кутубхона борган сари кўпроқ одамга хизмат кўрсатмоқда. Ҳозир бу ерга қатновчилар орасида марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучилар 525 кишини, сиёсий иқтисодни ўрганучилар 165 кишини, ҳозирги халқаро аҳволни ўрганучилар ва бошқалар 400 дан ортиқ кишини ташкил этади.

Партия маорифи шохобчаларида ҳозир давом этаётган ўқиш йили давомида партия кутубхонасида марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучиларга группа ва якка тартибда 200 дан ортиқ консультация берилиб, унда 700 дан ортиқ киши қатнашди. КПСС XX с'езди материалларига бағишланиб 8 лекция ўтказилди.

Шу кунларда кутубхона КПСС XX с'езди материалларини ўрганиш ва уни кенг пропаганда қилиш юзасидан пропагандист ҳамда агитаторларга зарур методик ва назарий ёрдам бермоқда.

М. ЖУРАЕВ.

Халқлар дўстлигининг ёрқин намойиши

Қайроққум ГЭС қуручиларининг Сирдар'ё ўзанининг тўсилишига бағишланган митинги

ҚАЙРОҚҚУМ ПОСЕЛКАСИ, 8 апрель. Эрта тонгдан Қайроққум поселкасига Ленинобод областидаги саноат корхоналари, колхозлар, МТСлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг кўплаб вакиллари келабошладилар.

Сирдар'ё ўзанининг тўсилишига бағишланган тантанага Тошкент ва Фарғона областьларидан делегациялар, Совет Иттифоқидаги кўпгина йирик гидротехник қурилишларнинг қуручилари ва энергетиклари келдилар.

Бугун Қайроққум ГЭС қуручиларининг қалби зўр шоду-ҳуррамлик блан тўла. Тантанали митинг арафасида дар'ё ўзани жуда қисқа муддатда тўсилди, Сирдар'ёга бошланган ҳужум муваффақият блан тугалланди.

Соат иккига яқинлашмоқда. Стадион Совет Иттифоқи, Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларининг Давлат байроқлари блан безатилган. Қизил алвонларга «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!», «Яшасин СССР халқларининг бузилмас дўстлиги!», «Қайроққум ГЭС қуручиларига шон-шарафлар бўлсин!» деган шиорлар ёзиб қўйилган.

Митингга Ўрта Осиёнинг энг йирик гидроэлектростанцияси иншоотини барпо этишда қатнашаётган Совет Иттифоқидаги 37 миллатнинг вакиллари — руслар, украинлар, тожиклар, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, озарбайжонлилар тўпландилар.

Соат икки. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳиддинов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Т. Ўлжабоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси С. Камолов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Раҳматов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Рудин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ё. С. Насриддинова, Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Е. И. Обухов, Ленинобод область партия комитетининг секретари Х. Иброҳимов, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Фарғона область партия комитетининг секретари Т. Қамбаров, Тожикистон ва Ўзбекистан республикаларининг министрлари, Қайроққум ГЭС қурилишининг бошлиғи Я. И. Флигельман, қурилиш бош инженери А. А. Жимский, қурилиш новаторлари, илғор корхоналарнинг бошлиқлари, Ленинобод областининг колхозчилари марказий минбарга кўтариладилар.

Митингни Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Т. Ўлжабоев очади. Ўртоқ Т. Ўлжабоев КПСС XX с'езди қарорларидан руҳланган Қайроққум гидростанцияси қуручилари дастлабки муваффақиятни қўлга киритганликлари ҳақида сўзлайди.

Қурилиш бундан фақат тўрт йил муқаддам бошланган эди, — дейди ўртоқ Ўлжабоев, — Қуручилар коллективи ана шу қисқа муддат ичида жуда катта ишни амалга оширди. 7 миллион кубометрдан зиёд тупроқ қазиб чиқарилди. 4 минг тоннадан ошиқ металл-конструкциялар монтаж қилинди, 35 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Ҳувиллаб ётган ер ўрнида ГЭС иншоати блан бир қаторда кўп қаватли бинолар, маданият саройи, мактаб, стадион, магазинлари бўлган янги социалистик шаҳар қад кўтарди.

Тожик ва ўзбек халқлари қардошлик дўстлигининг чуқур илдизлари бор. Тарих ана шу ҳар икки халқнинг тақдирини бирбиридан ажратмайдиган қилиб қўйди. Уларнинг ҳаётлари, маишатлари қадим замонларданоқ бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган эди.

Ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги совет ҳокимияти йилларида айниқса яққол намоён бўлди. Тожик халқи ўзбек халқи блан биргаликда Катта Фарғона каналини, Шимолий Фарғона каналини ва Катта Ҳисор каналини қазиди. Ворҳод ГЭС ни ҳамкорликда қурди. Ана шу тадбирлар туфайли ўн мингларча гектар ерга сув чиқарилди, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг кўп саноат корхоналари, шаҳарлари, колхозлари электр қуввати олди.

Қайроққум ГЭС қурилиши энди ишга туширилиадиган даврга кирди. Гидроэлектростанциянинг ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган ишдир. Унинг фойдаланишга топширилиши блан Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг эҳтиёжлари тез ўсиб бораётган саноатини, қишлоқ хўжалигини, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг коммунал-маиший эҳтиёжларини электр қуввати блан та'минлаш ишлари яхшиланади.

Ўртоқ Ўлжабоев ўз сўзини тамомлаб, Ленинобод, Тошкент, Фарғона областьлари ишчилари, колхозчилари, интеллегенцияси, тожик ва ўзбек халқларининг партия, совет ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашувидаги Сирдар'ёни тўсилишига бағишланган митингни очиқ деб э'лон қилади.

Оркестр Совет Иттифоқи Давлат гимини, Тожикистон ва Ўзбекистон ССР Давлат гимиларини ижро этади.

Митингда сўзга чиққан Қайроққум ГЭС қурилишининг бошлиғи Я. И. Флигельман, бетончилар бригадири Г. Орзуқулов, қурилишдаги участка бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. П. Симак, Ленинобод область партия комитетининг секретари Х. Иброҳимов, Ленинобод районидаги Чкалов қишлоқ советининг раиси Д. Зокиров ўртоқлар Ўрта Осиёдаги бу гигант гидро иншоатни бутун совет халқи қураётганлиги, қурилишдаги барча иш процесслари кучли механизмлар ёрдами блан бажарилаётганлиги, қуруучиларнинг юксак меҳнат кўрсаткичларига эришаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси шоир Ғафур Ғулом ва Тожикистон совет ёзувчилар союзи правлениесининг раиси шоир Мирза Турсунзода Сирдарёни таслим қилган баҳодирларни — Қайроққум гидроэлектростанция қуруучиларини чин қалбдан табриклайдилар ва Қайроққум ГЭС қуруучиларига бағишланган ше'рларини ўқиб берадилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. Муҳиддинов нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. А. Муҳиддинов нутқи

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар! Бугун биз Тожикистон ва Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаётидаги муҳим бир воқиани — Сирдар'ё ўзанининг тўсиш муваффақиятли якунланганини қайд қилиш учун тўпландик.

Ишнинг биринчи босқичи тугаллангани муносабати блан Қайроққум ГЭСининг шонли қуруучиларини меҳнатдаги катта ғалаба блан табриклашга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Сирдар'ёни тўсиш тугаллангани муносабати блан исте'додли, меҳнатсевар тожик халқини ҳам, территориясида, қудратли Қайроққум гидроэнергетика об'екти қурилаётган Тожикистон Совет Социалистик Республика меҳнаткашларини ҳам табриклашга руҳсат эттайсиз. **(Қарсаклар).**

КПСС XX с'езди тарихий қарорларини қизғин кутиб олган Совет Иттифоқи халқлари олтинчи бешйилликнинг улуғвор вазифаларини ўзларининг жонажон ишлари деб билиб, уларни амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу ишнинг амалга оширилиши коммунизм қуриш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Шуниси қувончлики, Қайроққум ГЭС қуруучилари КПСС XX с'езининг тарихий қарорларига амалий иш блан жавоб қилдилар — катта ва мас'улиятли ишларнинг дастлабки босқичини муддатидан илгари а'ло даражада тугалладилар.

Партиямизнинг ва Совет давлатининг ташкилотчиси ва устози улуғ Ленин электрлаштиришнинг мамлакатимизда коммунизм қуриш учун ғоят катта, ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини бирнеча бор кўрсатиб ўтган эди. Партиямизнинг Марказий Комитети Ленин кўрсатмаларини оғишмай, изчиллик блан турмушга татбиқ қилабориб, хўжалик ва ташкилий ишларнинг барча босқичларида мамлакатнинг электр блан та'минланишини бутун чоралар блан кўпайтириш йўлидан қат'ий борди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди совет халқининг келажакдаги вазифаларини белгилаб берди, коммунизм сари олга қараб қиладиган ҳаракатимиз йўлларини кўрсатиб берди. Бундан буён ҳам ана шу ҳаракатимизнинг муваффақиятини совет кишиларининг ижодий меҳнати, ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциянинг меҳнати, уларнинг янги техникани яратиш ва ишлабчиқаришга жорий қилиш борасидаги, янги, биринчи навбатда энергетика қувватларини ишга туширишдаги фидокорона меҳнати ҳал қилади. Электрлаш сур'ати йил сайин ўсаборади, чунки, электрлаштириш техника тараққиётимизнинг негизидир.

Бешйилликда электр қуввати ишлабчиқариш 150 миллиард киловатт соат ўсади. Бу эса чор Россиясининг барча электростанциялари 1913 йилгача етказиб берган электр қувватидан қарийб 80 баравар кўпдир. Волга ва Камада бирқатор йирик электростанциялар қурилиши блан бирга, Сибирьнинг азамат дар'ёларига ҳужум қилиш ҳам давом этмоқда. Дун'ёдаги энг қудратли гидроэлектростанция — Ангара дар'ёсидаги Братск ГЭСи ишга тушади ва Красноярск ёнида, Енисей дар'ёсида ҳам шундай станция қурилиши бошлаб юборилади.

Олтинчи бешйиллик планда Ўзбекистон, Тожикистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида энергетика хўжалигини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Бу бешйилликда қурилиши бошлаб юборилган Ангрен ГРЭС ишга туширилади. Янги бешйилликда фойдаланишга топшириладиган электростанциялар ичида Қайроққум ГЭСи ҳам бор. Унинг биринчи навбати шу йилиёқ ишга туширилади, 1957 йилда эса тамом қуриб бўлинади ва 1913 йилда бутун Туркистон вилоятида ишлабчиқарилган электр қувватидан юзларча марта кўп электр қуввати беради. Бошқача қилиб айтганда ана шу электр қуввати блан В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводига тенг бўлган 20 дан ортиқ заводни электр қуввати блан та'минлаб туриш, ёки кўлами жиҳатидан Ленинободга тенг бўлган 17 шаҳарни ёритиш мумкин.

Ўртоқлар! Республикаларимиз халқлари экономикаси ва моддий фаровонлигининг негизи бўлган пахта етиштиришни бутун чоралар блан кўпайтириш тожик, ўзбек халқларининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг миллий ифтиҳоридир, интернационал бурчидир, умумдавлат вазифасидир. Тожиклар, ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари ана шу қимматли экинни асрлардан бери етиштириб келганлар ва бу ишда жуда катта тажриба тўплаганлар.

Пахтачиликни ривожлантиришда айниқса совет ҳокимияти йилларида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Шуни айтиш кифояки, ҳозир Ўрта Осиё республикалари революциягача бўлган бутун собиқ Туркистонга нисбатан қарийб олти марта кўп пахта етиштирмоқдалар.

КПСС XX с'езди Директиваларида Республикаларимиз олдига пахтачиликни янада ривожлантиришнинг улуғвор вазифалари қўйилди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ишида юқори ҳосил усталари тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш катта аҳамиятга эгадир.

Тожикистон республикаси пахта етиштиришда мамлакат бўйича биринчилик байроғини кўпйиллардан буён ўз қўлида қаттиқ тутиб келмоқда. Бинобарин менга вазиятдан фойдаланиб, Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан Тожикистоннинг донгдор пахтакорларига қизғин қардошлик саломини топширишимга рухсат этгай сиз! **(Давомли қарсаклар).**

Ҳар гектар ердан 30 — 40 центнердан ва ҳатто бундан ҳам кўп пахта ҳосили олаётган илғор колхозларнинг юқори ҳосил усталари муваффақиятлари Ўзбекистоннинг ҳамда мамлакатимиздаги бошқа республикаларнинг бутун колхоз ва совхозларида кенг ёйилтиришга муносибдир!

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимизда пахтачилик суғориладиган деҳқончиликка негизланган. Суғориш Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари бойлигининг негизидир.

Янги, олтинчи бешйилликда суғориладиган ерларни кенгайтириш юзасидан сув хўжалиги ишлари жуда катта кўламларда кенг авж олдириб юборилади. Агар Ўзбекистон ССРнинг суғориладиган ерлари сўнгги 25 йил ичида 600 минг гектарга яқин кўпайган бўлса, биз бу бешйилликда суғориладиган майдонларни 585 минг гектарга кенгайтиришимиз лозим. Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва бошқа республикаларда ҳам суғориш шундай кўламларда кенгайтирилади.

Партия ва ҳукумат бу бешйилликда суғоришга катта маблағ ажратмоқдалар. Агар 1946-1955 йил орасида, я'ни 10 йил ичида Ўзбекистонда сув хўжалиги ишига 900 миллион сўмдан ҳийли кўпроқ маблағ сарфланган бўлса, энди, шу бешйиллик мобайнида, 1956—1960 йиллар орасида сув хўжалиги қурилишига 5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлаш мўлжалланаётир.

Суғориладиган ерларни кенгайтириш, ва пахта етиштиришни кўпайтириш бўйича ана шу вазифаларни ҳал қилишда Қайроққум ГЭСни ҳамда 4 миллиард кубометр ҳажмдаги энг катта сув омборини қуриш гоят катта аҳамиятга эгадир. Қайроққум гидроэнергетика об'екти Фарҳод ГЭС блан биргаликда Мирзачўлдаги 300 минг гектар, шу жумладан — Ўзбекистон территориясида 200 минг гектар, Қозоғистон территориясида 100 минг гектар қўриқ ерларни суғориш, Тожикистоннинг кўп еўларини машина ёрдами блан суғориш имкониятини беради.

Шундай қилиб, Қайроққум гидроэнергетика иншоотларининг ишга совет пахтачилигини ҳамда қардош республикаларимиз экономикасини юксалтириш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Қадрли қуруучи ўртоқлар, жонажон совет давлатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш ишига қўшган ватанпарварларча ҳиссангиз учун ташаккур билдирамиз! **(Гулдурос қарсаклар).**

Қайроққум гидроэнергетика иншоотининг қурилиши биз учун энергетика, ирригация вазифаларини комплекс бажаришгагина ёрдам бериб қолмасдан, бу қурилиш Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстликнинг яна бир ёрқин далили бўлиб хизмат қилади.

Кўпинча дар'ёлар давлатлар чегараси хизматини ўтайди. Бизнинг Сирдар'ёмиз эса тўрт республика — Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон республикалари территориясидан ўтади. Сирдар'ё бу республикаларни бир-биридан ажратмайди, балки бу республика халқларининг умумий мақсад учун — жонажон социалистик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун бўлган интилишларини бирлаштиради. **(Қарсаклар).**

Бу қурилишда юзларча тожиклар ва ўзбеклар ҳамда бошқа қардош халқларнинг кўпгина вакиллари ишламоқдалар. Улар энди янги иқтисосни, янги техникани эгаллаб олган моҳир қуруучи ишчилар бўлиб қолдилар. Шунинг учун ҳам биз Қайроққум ГЭСини халқлар дўстлиги электростанцияси дейишга тўла равишда ҳақлимиз. **(Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар).**

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик тасодифий бир ҳол эмас. Бу дўстликнинг чуқур тарихий илдизлари бор. Тожиклар, ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қадимий халқлар бўлиб, кўпасрли тарихга ва маданиятга эгадирлар. Улар жаҳон маданиятини ривожлантиришга гоят катта ҳисса қўшдилар. Ўзбеклар, тожиклар ва бошқа халқлар ўзларининг бутун катта тарихлари мобайнида туғишган ака-укалардек, қўлни-қўлга бериб, ўз озодликлари ва мустақилликларини кўпсонли золимлар ва забтчилардан ҳимоя қилдилар ҳамда ўз бахтлари ва фаровонликлари учун кураш олиб бордилар.

Ўзбеклар ва тожиклар ўзларининг катта оғалари бўлган улуғ рус халқи раҳбарлиги остида совет ҳокимиятини ўрнатиш ва социализм қуриш учун биргаликда кураш олиб бордилар.

Тожикистон, Ўзбекистон ва бошқа иттифоқчи республикалар меҳнаткашлари эришган муваффақиятларнинг ҳаммаси — Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсати тантанасининг натижаси, улуғ рус халқи бошчилигидаги тожик, ўзбек ва Совет Иттифоқидаги бошқа барча халқлар чинакам дўстлиги ва биродарлигининг натижасидир. Бу дўстлик яшар экан бизлар учун, совет халқи учун ҳеч нарса ҳавфли эмас. Шонли Коммунистик партия томонидан барпо этилган бу улуғ дўстлик байроғи остида совет кишилари мамлакатимизда коммунизмнинг тўла тантанасига эришадилар. **(Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ўз олижаноб ишимиз блан халқларимиз ўртасидаги интернационал дўстликни ҳартомонлама мустаҳкамлайлик, коммунизм қуриш ишида янгидан-янги муваффақиятларга эришайлик!

КПСС XX с'езининг тарихий қарорларида қардош республикаларнинг, шу жумладан Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг экономикаси ва маданиятини янада қудратлироқ юксалтириш кўзда тутилган. Бу — партия ва ҳукуматимизнинг Совет Иттифоқи халқлари улуғ оиласининг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини тўхтовсиз ўстириш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин далилидир.

Қадрли ўртоқлар! Бугун муҳим воқиани—Қайроққум ГЭС қурилишининг дастлабки этапини тугаллашни — тантанали равишда нишонлар эканмиз, Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнаткашлари совет ҳукуматига, шонли Коммунистик партиямиз Марказий Комитетига доимий ғамхўрлик ва э'тибор учун ўзларининг қизғин миннатдорчиликларини билдирадилар. **(Узоқ давом этган қарсаклар.)**

Қайроққум ГЭС қуручилари олдида ҳали катта вазифалар турипти. Дастлабки икки агрегатни эксплуатацияга топширишга ярим йилдан кўпроқ вақт қолди. Шу вақт ичида тўғонга 450 минг кубометр тупроқни гидромеханизация йўли блан ювиб тушириш, бирнеча ўн минг кубометр бетон ва темирбетон ётқизиш, 3,5 минг тонна металл конструкцияларни монтаж қилиш, 250 тонна юк кўтарадиган икки кран ҳамда турбиналарни монтаж қилиш ваҳоказо вазифаларни бажариш керак.

Бажарилиши керак бўлган ишлар ҳажми жуда катта. Лекин ишчилар ва инженер-техник ходимлар аҳл коллективининг вужудга келганлиги, уларнинг ишнинг дастлабки этапида эришган муваффақиятлари Қайроққум ГЭСни ишга туширш юзасидан Партия ва Ҳукумат томонидан берилган топшириқнинг муддатидан илгари бажарилишига ишонч билдиришга тўла асос бўлаолади.

Қадрли қуруучи ўртоқлар! Сизларга самарали ишларингиз учун яна бир марта ташаккур айтишга ва улуғ социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида қилаётган тинч ижодий меҳнатингизда янги-янги ғалабалар тилашга рухсат этингиз. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан шонли тожик халқига, Тожикистон республикасининг барча меҳнаткашларига коммунизм қуриш йўлида янгидан-янги катта муваффақиятлар тилашга рухсат этингиз.

Яшасин ҳаҳрамон Совет Иттифоқи Коммунистик партиямизга шон-шарафлар бўлсин! **(Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар).**

* * *

Қайроққум ўрта мактаби бешинчи синф ўқучиси Людмила Рог ишчилар поселкасининг пионерлари ва ўқучилари номидан қуруучиларни табриклайди. Митинг қатнашчилари уни қизғин қарсаклар блан кутиб оладилар.

Қуруучилар ва монтажчилар якдиллик блан қабул қилинган резолюцияда қуйидаги мажбуриятларни олдилар:

Гидростанциянинг биринчи навбатини муддатидан илгари ишга туширш: биринчи агрегатни 1956 йил 7 ноябрьда, иккинчи агрегатни 1956 йил 5 декабрьда, ишга туширш ва декабрь ойида учинчи агрегатда монтаж ишларини тугаллаш; қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан илгари — 5 декабрьда бажариш ва пландан ташқари умумий ҳажми 3,3 миллион сўмлик бўлган ишларни бажариш; қурилиш-монтаж ишлари таннархини планда белгиланганидан 2 процент кўпроқ арзонлаштириш ва пландан ташқари 2 миллион сўм жамғарма тўплаш; ишбай бўйича ишлайдиган ишчиларнинг ягона нормани бутун қурилиш бўйича ўртача 130 процент бажаришларига эришиш, ер ишларининг 98 процентини, штукатура ишларининг 70 процентини, бўёқ ишларининг 60 процентини, металл-конструкцияларни монтаж қилиш ишларининг 95 процентини, бетон ётқизиш ишларининг 98 процентини, юк ортиш ва юк туширш ишларининг 75 процентини, карьерларда тош, шағал, қум қазиб олиш ишларининг, шунингдек бетон тайёрлаш ишларининг 100 процентини механизациялаш; рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобига бир йилда камида 500 минг сўм маблағ тежаш.

Тожикистон ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари Президиумларининг секретарьлари Д. Ғадоев ва Ж. Илҳомова ўртоқлар Қайроққум қурилишининг кўпгина ишчилари ва инженер-техник ходимлари фахрий ёрлиқ ва қиммат баҳо совғалар блан мукофотланганликлари ҳақида ахборот бердилар.

Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Ўлжабоев митингни ёпиқ деб э'лон қилади.

Қайроққумдаги митинг совет халқлари бузилмас дўстлигининг, уларнинг Коммунистик партияга, коммунизмнинг улуғ ишига чексиз садоқатларининг ёрқин намойиши бўлди.

Стадионда тантана узоқ вақт давом этди. Қайроққум ГЭС қуруучилари учун Ўзбекистон ва Тожикистон сан'ат арбоблари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Ғанимат кунлардан тўла ва унумли фойдаланиб, барча колхоз ва совхозларда чигит экиш сур‘атини кун сайин кучайтирайлик!

☆

Илғор колхоз чигит экишни кучайтириб юборди

Маленков номли колхоз Оржоникидзе районидаги йирик ва юқори ҳосилли колхозлардан бири ҳисобланади. Колхоз а'золари ҳар йили фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлаётирлар. Улар бу йил 780 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар. Ана шу мақсадга эришиш учун барча пахта майдонлари чигит экишга сифатли қилиб тайёрланди. Уруғлик чигит ташиб олинган, уларни ивитиш учун чуқурлар ковланди. Чигит экучи олти экипаж тайёрланди. Чигитни белгиланган муддатда сифатли экиб олиш мақсадида экипаж а'золари пахта далаларида уч марта машғулот ўтказдилар.

Колхоз а'золари механизаторлар блан биргаликда чигит экишни кучайтириб юбордилар.

Ю. МАҲКАМОВ.

Мирзабобо бошлиқ звенода

КПСС XX с'ездининг тарихий қарорлари ҳарбир совет кишисининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Шу кечаю-кундузда социалистик Ватанимизнинг ҳарбир ғраждани олтинчи бешйилликнинг биринчи йил планини тўла ва ошириб бажаришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш учун астойдил меҳнат қилаётир.

Оққўрғон районидаги Молотов номли колхознинг кекса пахтакори Мирзабобо Маманазаров бошлиқ звенонинг кафтдек текис бороналаб қўйилган пахта майдонларини кўриб турибмиз. Звено а'золари бу йил экиш кампаниясига анча барвақт киришиб, барча экин майдонларини экишга тахт қилиб қўйдилар. Ариқ-зовурлар созаланиб, керакли миқдорда маҳаллий ўғит жамғарилди.

— Биз,—деди Мирзабобо Маманазаров, — бу йил пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан она-Ватанга 50 центнердан ҳосил етказиб беришга аҳд қилганмиз. Ана шу мажбуриятни шараф блан бажариш учун барча имкониятлар мавжуд. Биз барча майдонларимизга квадрат-уялаб чигит экиб, уни текис ундириб оламиз.

М. КАНЗАФАРОВ.

Чигит экабошладилар

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз а'золари чигит экишни районда биринчи бўлиб бошлаб юбордилар. Колхознинг кўпчилик звенолари чигит экишни тугаллаб, чигитнинг барча майдонларда текис униб чиқишини та'минлаш учун курашмоқдалар.

Шунингдек «Қизил Октябрь», Хрущев номли колхозларнинг меҳнатсевар а'золари ҳам барча пахта майдонларини чигит экишга тайёрламоқдалар. Улар чигитни қисқа вақт ичида сифатли экиб олиш учун зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

М. АГАЛИЕВ,
П. САМБЕТОВ.



Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда чигит экиш қизғин давом этмоқда. **Суратда:** тракторчи ўрток **М. Каримов** бошлиқ экипаж биринчи бригада далаларига 60х45 схемаси блан чигит экаётир.

В. Салов фотоси.

Боёвут районида ўтган йилги хатолар такрорланмоқда

Областимизнинг кўпгина илғор колхозларидан бири қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилиш ишлари ёмон уюштирилган. Натижада чигит экишда энг зарур бўладиган техниканинг ремонти ҳозиргача ҳам тугалланмаётир. Масалан, шу кунгача 78 «универсал»дан 48 таси ремонтдан чиққан, холос. Ҳалигача 15 сеялка, шу жумладан квадрат-уялаб чигит экадиган 5 сеялка ремонтдан чиқарилмаган. МТС директори аҳволни тузатиш ўрнига ёлғон ма'лумотлар бериб, кўзбўямачилик қилмоқда. 20 мартда берилган сводкада ремонт қилинмаган 14 трактори, шу жумладан 8 ДТ-54 ва НАТИ тракторларини ҳам ремонт қилинди деб кўрсатган.

Ремонт ишлари қандай ёмон уюштирилган бўлса, унинг сифати ҳам шундай ёмон. МТС да 3 та гидравлик стенд ва ювиш машиналари бор. Лекин ремонт ишларида бу воситалардан фойдаланилмаётир. Ўтган йил декабрь ойидан шу йил март ойигача ремонтдан чиқарилган ҳарҳил маркадаги 76 трактордан 9 таси бузилиб ишдан чиққан. Бунинг сабаби ремонтнинг пухта ва сифатли бўлмаганлигидир. Орқа мости шестерняларидаги нуқсонлар йўқотилмагани учун 21 сонли ДТ трактори фақат 168 гектар ер ҳайдаб, бузилиб яроқсиз бўлиб қолган. Шунга ўхшаш 19-нчи сонли ДТ трактори 20 гектар ерни ҳайдагунча унинг клапанлари 8 марта бузилган. Бу тракторнинг тақсимловчи валидаги нуқсонлари ҳам йўқотилмагани учун у ишга ярамай қолиб, МТСга қайтариб юборилган. 30-нчи сонли ДТ тракторида ҳам ана шунга ўхшаш жиддий камчиликлар ремонт вақтида йўқотилмаган.

Район колхозларида бу йил ўтган йилга нисбатан кўпроқ майдонларда чигитни квадрат-уялаб экиш планлаштирилган. Бу планнинг бажарилиши биринчи навбатда янги усулда чигит экиш техникасини пухта ўрганиб олган кадрлар тайёрлашга боғлиқдир. Агар ҳозиргача 350 киши ўрнига 310 киши ўқитилган бўлса, улардан атиги 121 киши синовдан ўтди. Ўқитилган кишилар блан амалий машғулотлар ўтказилмаган. Шунинг учун улар ўз ишларини билмайдилар. Бунга Карл Маркс номли колхоздаги 9-нчи агрегат бошлиғи М. Бекматов ва унинг экипажлари мисол бўлаолади. Булар чигитни квадрат-уялаб экиш тўғрисида тушунчага эга бўлсалар ҳам аммо амалий ишни билмайдилар. Ленин номли колхознинг агрономи ўрток Сойбназаров чигитни янги усулда қандай қилиб экишни аниқ тасаввур қилаолмайди.

Колхозларда квадрат-уялаб чигит экиладиган майдонларни аниқлаш ва ажратиш плани фақат 34,9 процентгина бажарилган. Молотов номли, Жданов номли колхозлардаги иш айниқса ёмон аҳволда. Ғўзаси машиналар блан кўндаланг қирқилиб ягана қилинадиган 700 гектар майдон ҳам ҳалигача аниқланмаган. Бу ҳол чигитни янги усулда экиш планининг бажарилишига хавф остида қолдиради.

Дала ишларида ҳам анча кечикиш рўй бераётир. Март ойининг 20 куни ичида 41 трактордан фақат 24 таси ер ҳайдаган. Иш унуми паст. С—80 тракторлари ўрта ҳисобда кунига 4—6 гектардан ер ҳайдаётир. Шунинг учун 1 апрельгача район колхозларида ҳайдалмай қолган ерлар пахта майдонларининг қарийб 20 процентини ташкил этади. Сталин номли колхозда ҳалигача 350 гектар, Ленин номли колхозда 466 гектар ер ҳайдалмаган. Ерларни ҳайдашда кўпчилик ҳолларда ўғит солинмаётир. Бунинг сабаби шуки, колхозлар, айниқса қолоқ колхозлар сельснаб омборларидаги ўзларига тегишли минерал ўғитларни ташиб олмаганлар. Район ташкилотлари ҳам қолоқ колхозларга ёрдам бериш тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмаётирлар.

МТС ходимлари колхозчиларга пул ва натура авансларни беришга ҳам юзаки қарамоқдалар. Колхоз правлениелари колхозчилар авансига атаб берилган маблағларни бошқа хўжалик ва ишлабчиқариш харажатларига сарфлаб юбормоқдалар.

Боёвут район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари 2-нчи МТС ва унинг зоҳасидаги колхозларда экиш кампаниясига тайёрликнинг бориши блан жиддий шуғулланишлари, ишда рўй бераётган хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиш тадбирларини кўришлари керак. Шундагина чигитни ўз вақтида, сифатли қилиб экиб олиш мумкин бўлади. Акс ҳолда район колхозларида чигит экиш кампаниясининг чўзилиб кетиши мумкин.

К. КИРИЛЮК.

> Сахий ер бўрсиллаб меҳр қучоғин
> Деҳқонга очган пайт —
> экишнинг вақти.
> Ҳосил-бахт калидин бериб
> қўлларга
> Ўлкамда илк баҳор қуёши балқди.

☆ ☆ ☆

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Чигитни тез ва тўла ундириб олиш тадбирлари

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш масалаларини ҳал этишга қаратилган муҳим агротехника тадбирларининг бири уруғликнинг сифатли бўлиши ва уни экишга пухта тайёрлашдан иборатдир. Ҳарбир ғўза тупида мўл ҳосил етиштириш ҳам чигитнинг сифатли бўлишига боғлиқ. Уруғлик чигитга муайян тарзда та'сир этиш йўли блан унинг сифатини, униш энергиясини, ўсиш кучини кучайтиришга ва шу йўл блан чигитнинг ёпасига кўкариб чиқиб, мўл ҳосил асоси бўлган бақувват ғўзалар етиштиришни та'минлашга эришиш мумкин бўлади.

Уруғлик чигитни формалин, гранозан эритмалари блан дорилаш, минерал туз эритмаларида ивитиш, қуёшда қиздириш, туксизлантириш, экин қаторлари устига органик маҳаллий ўғит ёпиш каби тадбирлар чигитни тез ва тўла ундириб олишга қаратилган зарур чоралардир.

Чигит қанчалик тўла униб, ғўза майсалари бақувват бўлса яганалаш вақтида қатор ва уяларда энг яхши ғўзаларни муайян ораликларда қўйиб кетиш, ҳар туп ғўзани етарли озиқланиш майдони блан та'минлаш, уяларни кўндаланг ва узун қаторларга тўғри жойлаштириш, ниҳоят ҳар гектар ерда белгиланган сонда ғўза тупларига эга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозидаги тажриба участкасида мўл ҳосил етиштириб келаётган илғор звенолар а'золарининг ишлари ўрганилди. Натижада шона, гул ва бошқа мева элементларининг кўплаб сақланиб қолиши, ҳосилнинг эрта етилиб, мўл бўлиши, ҳаммадан аввал чигитнинг тез ва тўла униб чиқишига боғлиқ эканлиги аниқ-равшан бўлди. Шунинг учун звено а'золари чигитни экишга тайёрлашда юқорида санаб ўтилган агротехника тадбирларини қўлланиш блан бирга бошқа янги усулларни ҳам синаб кўрдилар. Улар 1953—1954 йилларда институт ходимлари ёрдами блан бирга уруғлик чигитни қиздириш ва уни қўй қийи эритмасида ивитишни тажриба қилиб кўрдилар.

Экишдан олдин уруғлик чигит 6—7 кун давомида 40—45 даража иссиқликда қиздирилганида унинг униш энергияси одатдагидан анча ошди. Муртакдаги ҳаётий процесслар кучайиши та'сирида илдизчаларнинг тез узунлашуви, кўпайиши ва майсаларнинг тез кўринишида яққол билинди. 1953 йилда 14 гектар ерда чигитнинг униши қуйидагича бўлди: экиш муддатининг бир хилда бўлишига қарамасдан чигити қиздириб экилган ерларнинг ҳарбир метрида 3 кунда—1 та, 6 кунда — 12 та, 13 кунда—34 та, қиздириб ҳамда қўй қийи эритмасида ивитиб экилган чигитлар 3 кунда—5 та, 6 кунда—26 та, 13 кунда—42 та, ивитилмаган ва қиздирилмаган чигитлар эса 3 кунда—0, 6 кунда— 3 та, 13 кунда—20 та майса чиқарди.

Чигит тез ва тўла униб чиқиши натижасида ғўзаларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши, ниҳоят ўсиш фазалари бошланишининг 6—7 кун тезлашганлиги, умуман вегитация даврининг қисқарганлиги кузатилди. Бу ҳол шона, гул ва тугунларнинг тўкилишини ҳам камайтирди. Масалан, чигит қиздирилмаган, қўй қийи эритмасида ивитилмай экилган далаларда-гига қараганда, чигит қиздириб экилган далаларда ғўза ҳосил элементлари 45—50 процент, чигит ҳам қиздирилиб, ҳам ивитилиб экилган далаларда 50—53 процент кам тўкилди. Натижада ҳар гектар ҳосили 7—8 центнердан ортиқ бўлди.

Чигит қиздириб экилганда ғўзада гоммоз, баҳор об-ҳавосининг ноқулай бўлишига қарамай илдиз чириши касалликлари ҳам бўлмади.

Уруғлик чигитга бевосита та'сир қилиш йўли блан муртакларни озиқлантириш, улар унгандан кейин ўсимликда кўп миқдорда озиқ моддалар тўпланишга ёрдам берди. Анализларда ғўза баргларида азот ва фосфорнинг кўпайганлиги, баргнинг қуёш нуридан яхши фойдаланганлиги, натижада улар, ҳатто чанг найчаларининг ўсишига ва тўлишишига ҳам ёрдам берди. Кейин уруғланишнинг яхши ўтишига, гул, тугунчаларнинг кам тўкилишига чигитни қиздириш ва уни қўй қийи эритмасида озиқлантириш блан эришилди.

Агар ўсимлик дастлабки ривожланишида нормал шаклга кириб олса, унинг органикми кейинги ривожланиш фазаларини ҳам нормал ўтказади. Бори-ю, ёш ўсимликка мувофиқ шароит яратиб берилмаса—озиқ, нам, иссиқлик, ҳаво блан та'мин этилмаса у ўсиш ва ривожланишдан кейинда қолади, ҳархил касалликларга тез йўлиқади, натижада ҳосил кам бўлиб қолади.

Ма'лумки, чигит унаётган даврда ўсимлик четдан озиқ олмасдан, балки уруғнинг ўзидаги запасдан фойдаланади. Униш даври тамом бўлиб, илдиз ва барглар чиққандан кейин ўсимлик озиқни ердан ва ҳаводан олади. Лекин уруғлик озиқлантирилса унаётган муртаклар ўсиши кучаяди, унинг барг ва илдизлари бақувват бўлиб тез ривожланади.

Чигитни экиб кетиш блан бир вақтда ўғит солиб кетиш ҳам яхши натижа беради. Брок, ҳозирчалик техник сабабларига биноан бу усул кенг тарқалмаган. Шунинг учун уруғлик чигитни экишдан олдин озиқлантириш усули анча қулай, яхши та'сир қиладиган ва кўп чиқим талаб қилмайдиган тадбир бўлиб қолади.

Чигитни қиздириш ва уни қўй қийи эритмасида озиқлантириш усули унча мураккаб эмас. Чигитни сушилка ёки қурт уруғи очилтириладиган бинолларда қиздириш мумкин. Чигит экишдан бирнеча кун олдин қиздирилади. Бунда чигит сўкчак ёки шунга ўхшаш нарсалар устига 10—15 сантиметр қалинликда ёйилади. Температураси 35—40 даража иситилган бинода 7—10 кун тургизилади. Ҳарбир сўкчакда термометр бўлади ва ҳар суткада температура 4 марта: эрталаб, кундузи, кечқурун ва кечаси кузатилади. Қизитилган чигит одатдагича ивитилиб экилаберади. Аммо ивитилган чигит бирор сабаб блан ўша куни ёки эртасига экилмай қоладиган бўлса, уни уюб қўймаслик керак, акс ҳолда қизиб, униб кетади.

Агар чигит қўй қийи эритмасида озиқлантириладиган бўлса, эритмани озиқлантиришдан 3 кун олдин тайёрлаб қўйиш лозим. Бунинг учун 40 килограмм қўй қийи 100 литр сувда ивитилади. Уч кун ўтгандан кейин, суюқ эритма кўтариб олинади ва дориланган чигит унда ивитилади—озиқлантирилади. Лекин бу иш чигитни экишдан бир сутка олдин қилиниши керак.

Чигитни қиздириш ва озиқлантириш йўли блан унинг тез ва тўла униб чиқишини та'мин этамиз.

С. НОСИРОВА,
агроном.

КАРТОШКА ВА САБЗАВОТ МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

Қолоқликдан чиқаётган колхоз

Хрущев номли колхоз Ворошилов қишлоғининг серҳосил, сувга мўл, баҳаво ерларига жойлашган. Бу жойлар яқин вақтларда шакардай ширин қовун-тарвузлари, асалдай тотли хилма-хил мевалари блан ном чиқарган.

Лекин, аввалги йилларда донг чиқарган Хрущев номли (илгариги «Қизил юлдуз») колхоз кейинги йилларда ўз шуҳратини йўқотиб қўйди. Серҳосил мевазор, токзор боғлар яхши парвариш қилинмади, ҳосилсиз бўлиб қолди. Картошка, сабзавот, полиз экинлари ҳосили кескин равишда камайиб кетди. Колхоз хўжалигининг бошқа тармоқлари—чорвачилик, пиллачилик ҳам ривожланмади, чорва маҳсулотлари жуда кам олиниб, ҳатто фермалар ўз харажатларини ҳам қопламай қолди. Шулар натижасида меҳнат унуми пасайди, жамоат хўжалиги ривожланмади. 1954 йили ҳосил етиштириш плани 48 процентда қолди. Колхоз хўжалигининг бирор тармоғи бўйича план бажарилмади, натижада бу колхоз областнинг қолоқ ва камҳосилли колхозларидан бири бўлиб қолди. Ўтган йиллар мобайнида ҳар гектар ердан олинган картошка 3—4 тоннага, сабзавот 4—8 тоннага тушиб қолди. Мевазор-узумзор боғлардан фақат 1—2 центнердан ҳосил олинди. Суғориладиган ерларнинг яхши ишланмаганлиги натижасида ернинг унумдорлиги кескин равишда камайди, суғориш тармоқлари, коллекторзовурлар қаровсиз қолиб, ер карталарининг мелиоратив аҳволи ёмонлашиб кетди.

1954 қишлоқ хўжалик йили якуни колхозчиларнинг умумий йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Колхознинг собиқ раҳбарлари М. Ганиев, Ғулом Пўлатов, Т. Юсуфалихўжаев, Турғун Қодиров ва бошқа ўртоқларнинг фаолиятсизлиги, нўноқлиги ва мас'улиятсизлик блан ишлаганликлари кескин танқид қилиниб, колхозчилар район ташкилотлари, айниқса МТСнинг бу қолоқ колхозга ёрдам ва раҳбарлик қилишдаги яроқсиз иш методларини ҳам ҳақли равишда кўрсатиб, ўринли э'тирозлар билдирдилар.

Колхознинг қолоқ, камҳосилли бўлиб қолишида асосий сабаблар меҳнатнинг тўғри ташкил қилинмаганлиги, артель Уставининг қўпол равишда бузилганлиги, колхоз мулкига бепарво қаралганлиги, ба'зи колхозчиларнинг жамоат ишидан четлаб қолиши эканлигини аниқ фактлар мисолида очиб ташладилар. Колхознинг собиқ раҳбарлари кадрлар, айниқса бригада бошлиқларининг қўнимсизлигини авж олдирдилар. Ба'зи вазифалардаги ходимлар қисқа вақт ичида 2—3 марталаб алмаштирилди. Бригада бошлиқлари ҳам бир жойда узоқ ишламай тез-тез ўзгартирилаберди. Бу аҳволлар ҳам колхоз ишлабчиқаришига ёмон та'сир қилди.

Колхозчилар юқоридаги каби қатор нуқсонларни қадид кўрсатиб танқид қилиш блан бирга, колхоз хўжалигини қолоқликдан чиқариш, ҳосилни кўпайтириш учун ўз таклифларини ҳам айтдилар. Умумий йиғилишда правление составига Жаббор Раҳмонбердиев, К. Холжонов, Эргаш Кенжаев каби тажрибали деҳқонлар сайландилар. МТСнинг бош агрономи ўртоқ Сайидғани Сайдалиевни колхоз правлениесининг раиси қилиб сайладилар.

Колхознинг янги правление состави партия ва ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан кўрилаётган тадбирларни ўз фаолиятига асос қилиб олди. Правление умумий йиғилиш белгилаган янги режаларни амалга оширишга киришди. Энг аввал далачилик бригадалари тажрибали кадрлар блан мустаҳкамланди, К. Раҳмонбердиев, Д. Азимов, К. Холжонов ўртоқлар бригада бошлиғи вазифасига янгидан сайландилар.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини тартибга солиш учун бирқанча тадбирлар кўрилди. Янги 3 та катта коллектор барпо қилинди, 300 минг кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди. Майда суғориш тармоқлари тартибга солинди, захкаш, яроқсиз бўлиб қолган 30 гектар партов ер ишга туширилди.

МТСнинг 18-нчи трактор бригадаси (бригада механиги И. И. Тихонов) блан далачилик бригадалари ўртасида ҳамкорлик кучайди, агротехниканинг янги, прогрессив усулларини дадиллик блан амалга оширилабошланди. Квадрат-уялаб картошка, полиз экинлари экилиб, чопиқ ишларининг кўп қисми машина блан бажарилди.

Далачилик ишида экин майдонини тўғри планлаштириш, экинларни ер карталарига мувофиқ жойлаштириш жуда муҳимдир. Ўша йили эрта кўкламдаёқ МТС агрономи бончилигида экиш планлари ер карталарига тўғри жойлаштирилди.

Бир йиллик иш якуни янги правление колхоз хўжалигини ривожлантиришда муваффақиятли ишлаш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. 1955 йил охирида ҳамма уруғлик фонди тўла жамғариб олинди. К. Раҳмонбердиев, К. Холжонов, Д. Азимов ўртоқлар бошлиқ илғор бригадалар гектаридан 17—18 тоннадан картошка 20—21 тоннадан сабзавот ва 22—23 тоннадан қовун-тарвуз ҳосили олдилар.

Колхознинг йиллик даромади 1954 йили 800 минг сўм бўлган эди. 1955 йили эса даромад 2 миллион сўмдан ошди, колхозчиларга ҳарбир меҳнат кунига 7 сўмдан пул, 1 кило 100 граммдан ғалла, 1,5 килограммдан картошка, 1 килограммдан сабзавот тақсимланди.

Чорвачилик колхознинг энг қолоқ участкаси эди. 1954 йили 15 бош сигирнинг ҳарбиридан 131 литрдан сут соғилиб, колхоз бўйича 4 минг литр сут олинди. Ферма ишини яхшилаш учун даставвал сигирларни қўлда боқишга ўтилгани, мустаҳкам ем-хашак базаси яратилгани яхши натижа берди. 20 гектар маккажўхори экилиб, ундан 200 тонна силос олинди, 300 тоннадан ошиқ хашак жамғарилди. Янги типда молхона қурилди, молларни боқишда зоотехника тадбирлари аста-секин амалга оширилабошланди. Чорва маҳсулотларини ҳисобга олиш ишлари яхши йўлга қўйилди. Натижада сут соғиб олиш қисқа вақт ичида кескин равишда кўпайди. 5 ой ичида ўрта ҳисоб блан ҳар бош сигирдан 610 литр сут соғиб олинди. Колхоз фермаси бўйича эса 19 тоннадан ошиқ сут соғилди.

Янги правление состави партия ташкилоти бошчилигида колхоз хўжалигининг ҳамма тармоқларини баравар ривожлантиришда дуруст натижаларга эришди. Янгидан чўчқачилик фермаси ташкил қилинди.

Шунга қарамай колхозда ўтган йили бирқатор хатоларга йўл қўйилди. 4 та далачилик бригадаси ўз планини бажараолмади. Пилла етиштириш плани бажарилмади. Ҳали ҳам айрим колхозчилар дала ишига қатнашмайдилар, экинларнинг парваришида прогрессив усуллар кенг қўлламда амалга оширилмай қолди.

Колхоз а'золари КПСС XX с'езди қарорларини зўр қувонч блан кутиб олдилар, айниқса КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг картошка-сабзавот маҳсулотларини тайёрлашни кўпайтириш ва бунда янги тартиб жорий қилиш ҳақидаги ҳамда колхоз тузумини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги қарорларини якдиллик блан ма'қулламоқдалар. Бу ғамхўрликларга жавобан дала ишларида прогрессив усулларни кенг қўллаш, меҳнат унумини тинмай ошириш учун курашмоқдалар.

—Партия, ҳукуматимиз томонидан колхозчиларга берилаётган жуда катта ёрдамлар,—дейди 8-нчи бригада бошлиғи ўртоқ К. Раҳмонбердиев,—биз колхозчи деҳқонларни янада яхши ишлашга рағбатлантиради. Колхоз жамоат хўжалигини ривожлантириш блан озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллигини та'минлашда ўз ҳиссамизни қўшамиз, шаҳар меҳнаткашларига шириншакар қовун-тарвуз-олма-узум ва картошка, сабзавот маҳсулотлари етиштириб берамиз.

Колхоз бу йил 540 гектар ерга картошка, сабзавот, полиз экинлари, беда, маккажўхори, шоли ва бошқа экинлар экади. Янгидан 10 гектар мевазор ва 8 гектар токзор барпо қилади. Колхозчилар картошка, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш, мевачиликни кенгайтириш, чорва учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мажбуриятлар олиб, қўшни «Шарқ ҳақиқати» колхози а'золарини социалистик мусобақага чақирдилар. Бу мажбуриятларда янги агротехника қоидалари ва илғор тажрибани ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш, меҳнат унумини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва шу асосида жамоат хўжалигини ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Колхоз бу йил ҳар гектар ердан 13 тоннадан картошка, 18 тоннадан сабзавот, 22 тоннадан полиз экинлари ҳосили етиштиради. Колхозчилар йиғилиши 40 гектар шоли майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан шоли олиш, юқори нав'ли сабзавот уруғлари етиштириш, ҳар қути уруғдан 65 килограммдан пилла олиш, ҳарбир соғиш сигирдан 1500 литр сут соғиш, ҳарбир бош қорамол учун 10 тоннадан маккажўхори силоси бостириш, наслли сигирларни 35 бошга етказиш каби муҳим тадбирларни белгилади.

Шу кунларда колхоз даласида бўлсангиз, ўз хўжалигини қолоқликдан узил-кесил чиқариш учун тузилган янги режаларни амалга оширишда фидокорона меҳнат қилаётган колхозчи йигит-қизларнинг, нуроний кексаларнинг, механизаторларнинг ишига, ғайратига қойил қоласиз. 5-нчи бригада а'золари орасида Мактуба Қўчқорова картошка экишга ер тайёрлаш ва экишда кунлик нормасини 2—2,5 ҳиссадан адо этаётир. Насиба Азимова 4-нчи бригаданинг донгдор кетмончи қизларидан, у парникда ёш кўчатларни етказишда, пикировка қилишда моҳирлиги блан танилгандир. Бу бригадаларда ишлаётган йигит-қизлар ғайрати блан эртаги экиш плани ошириб бажарилди.

Кекса колхозчилар ҳам мевазор, токзор боғларни тиклаш ва серҳосил қилиш учун колхозга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Булар орасида миришкор боғбон Тўлаганхўжа ота ўз меҳнати блан ҳамманинг ҳурматига сазоворидир. Ўтган йили Тўлаганхўжа отанинг бир ўзи 680 меҳнат куни ишлаган. Бу йил ҳам у кексалар бригадасининг илғори. Ўтган 2,5 ой ичида 124 меҳнат куни ишлапти. Янги олмазор, токзорларни барпо қилишда Тўлаганхўжа ота ташаббускорлардан биридир. Аравакаш Орифхўжа ака маҳаллий ўғит ташишда, отбоқар Толиб ака отларни парвариш қилишда ишлаб хўжаликни юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Механизаторлар колхоз ишида ҳал қилучи кучдир. 500 гектарга яқин экин майдони кузда шудгор қилинган эди. 120 гектар бедазор бороналаниб, машина блан ўғитланди. Янгидан 30 гектар партов ер очилди ва карталарни йириклаштириш ҳисобига экин майдони кенгайди. Тракторчилардан Маҳмудхўжаев, Абдурахмонов ўртоқлар кузги-қишки ишларни бажаришда фидокорона ишладилар. 3930 метр ариқ-зовур тозаланди. Катта Ҳасанбой ариғини ремонт қилиш ишлари тугалланди.

Парник хўжалигида иш куз-қиш бўйи қизғин давом этмоқда. Эртаги карам, помидор ва бошқа сабзавот экинлари кўчати тайёрланди.

Эртаги экинлар экиш планига мувофиқ 20 гектар эртаги картошка экиш керак эди. Бу ишда К. Раҳмонбердиев, Й. Азимов, Т. Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадалар яхшиташаббус кўрсатдилар. Кузда ҳайдалган ерлар барвақт тайёрланиб, колхоз бўйича 27,5 гектар ерга эртаги картошка экилди. Шунингдек пиёз, сабзи ва лавлаги уруғлари сепиш, эртаги карам ўтказиш топшириқлари ҳам ошириб бажарилди. Эртапишар помидор кўчатлари тайёрланиб қўйилди. Ҳозиргача 122 гектардан ошиқ ерга эртаги экинлар экилиб, белгиланган план 120 процент бажарилди.

Хрущев номли колхоз хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожлантириб, қолоқликдан чиқиб юқори ҳосилли колхозлар қаторидан жой олиш йўлига қат'ий ўтиб олди. Партия, ҳукуматимизнинг қарорларидан руҳланган, КПСС XX с'езди белгилаб берган улуғвор программаларни амалга оширишга ғайрат блан киришган колхозчилар, механизаторлар сабзавот маҳсулотлари мўл-кўллигини та'минлашда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Т. ОРИПОВ,
Калинин район,
Ворошилов қишлоғи.

ПЕКИНДА ЯНГИ СОВЕТ-ХИТОЙ БИТИМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

ПЕКИН, 7 апрель. (ТАСС). Бугун Пекинда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг маросимлар залида қуйидаги битимлар имзоланди: Саноатнинг ба'зи тармоқларини ривожлантиришда Совет Иттифоқининг Хитой Халқ Республикасига ёрдами тўғрисидаги битим, бу битимда илгари тузилган Совет-Хитой битимларига мувофиқ қурилаётган 156 об'ектга қўшимча равишда яна 55 саноат корхонасини қуриш кўзда тутилади: Ланьчжоудан Актогайтача темир йўл қурилиши тўғрисидаги ва бу йўлда 1960 йилда бевосита алоқа уюштириш тўғрисидаги битим.

Бу битимларни Совет ҳукуматининг ваколати билан — СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг ваколати билан — Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосари Ли Фу-чунь имзоладилар.

Битимларни имзолаш вақтида совет томонидан—Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари П. А. Малетин ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Битимларни имзолаш вақтида Хитой томонидан — Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай, бош министр ўринбосарлари Чэнь Юнь, Пин Дэ-хуай, Дэн Сяо-пин, Ли Фу-чунь, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосарлари Шэнь Цзинь-жу, Го Мо-жо, Пекин шаҳар Халқ комитетининг раиси Пин Чжэнь, Давлат мудофаа комитети раисининг ўринбосарлари Не Жун-чжэнь ва Лун Юнь, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Вэнь-тянь шунингдек Хитой Компартияси Марказий Комитетининг раҳбар ходимлари, демократик партияларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолучилар орасида СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин ва совет элчихонасининг ходимлари, шунингдек Пекиндаги элчихоналарнинг бошлиқлари ва бошқа дипломатик ходимлар ҳам бор эди.

Ю. Цеденбал А. И. Микоянни қабул қилди

УЛАН-БАТОР, 8 апрель. (ТАСС). Бугун Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбал СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоянни қабул қилди.

Қабул маросимида совет томонидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССР нинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. И. Писарев, СССРнинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги савдо вакили М. В. Менчеряков ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Мўғулистон томонидан Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ж. Самбу, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Д. Дамба ва бошқа расмий шахслар ҳозир бўлдилар. Қабул вақтида Цеденбал ҳамда Мўғулистон Халқ-революцион партияси ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумати раҳбарлари билан А. И. Микоян Совет Иттифоқи билан Мўғулистон Халқ Республикаси ўртасида дўстона алоқаларни, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр олишдилар.

СССРнинг Пекиндаги элчиси ҳузурида қабул маросими

ПЕКИН, 7 апрель. (ТАСС). СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоянинг Хитой Халқ Республикасига дўстлик визити билан келганлиги муносабати билан бугун катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари Чжу Дэ, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитетининг раиси Лю Шао-ци, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай, бош министр ўринбосарлари Чэнь Юнь, Пин Дэ-хуай, Лю Фу-чунь, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосарлари Шэнь Цзюнь-жу, Го Мо-жо, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосари, Пекин шаҳар Халқ комитетининг раиси Пин Чжэнь, Хитой Халқ Республикаси Давлат мудофаа комитети раисининг ўринбосари маршал Е Цзянь-ин, Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умумхитой комитети раисининг ўринбосари Чжан Бо-цзюнь, ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари Чжан Вэнь-тянь, Ван Цзя-сян, давлат ва жамоат ташкилотларининг мас'ул ходимлари, Халқ-озодлик армиясининг, демократик партияларнинг ва Хитойдаги майда миллатларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Совет элчихонасининг ходимлари, шунингдек Пекиндаги элчихоналарнинг бошлиқлари ва вакиллари, хитой ва четэл журналистлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари Чжу Дэ нутқ сўзлаб бундай деди: Ўртоқ Микоян Хитойда бўлган вақтида Ўртоқ Мао Цзэ-дун билан ва Хитой ҳукуматининг бошқа раҳбарлари билан самимий суҳбатлар қилди. Шу суҳбатлар натижасида Хитой ҳукумати билан Совет ҳукумат делегацияси ўртасида иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида битим имзоланди. Совет ҳукумат делегациясининг мамлакатимизга мана шундай сафар қилиб келиши туфайли халқларимизнинг бузилмас қардошларча дўстлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, Хитой билан Совет Иттифоқининг ҳартомонлама ҳамкорлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди ва кенгайди.

Ўртоқ Микоян билан ва Совет ҳукумат делегациясининг а'золари билан хайрлашишдан олдин, — дейди Чжу Дэ, — мен хитой халқи номидан совет халқига чин кўнгилдан раҳмат айтингиз, шунингдек Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлигидаги совет халқини коммунистик қурилиш ишидаги, бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилиш ишидаги муваффақиятлари билан табриклаб қўйингиз, деб Ўртоқ Микояндан ва Совет ҳукумат делегацияси а'золаридан илтимос қиламан.

Дўстлар, ўртоқлар, деди Чжу Дэ, мен Ўртоқ Микояннинг ва Совет ҳукумат делегацияси а'золарининг сиҳат-саломатлиги учун, ҳар иккала халқимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан!

Сўнгра СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян нутқ сўзлади.

Азиз ўртоқлар, дўстлар, деди у.

Хитой Халқ Республикасида бизни қардошларча кутиб олганликлари учун чин қалбдан ташаккур айтишимга ижозат бергайсиз.

Совет халқи улуғ хитой халқидек ўзининг ишончли ва самимий дўсти борлигини кўриб ғоят қувонади. Халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар чинакам тенглик ва ўзаро кўмаклашишнинг бузилмас асосига қурилмоқда. Хитой халқининг социалистик қурилишда эришган катта, чинакам тарихий муваффақиятларини биз ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Хитой Коммунистик партияси марксизм-ленинизм назариясини ижодий татбиқ қилиб, Хитойни қудратли социалистик индустриал давлатга айлантириш йўлидан ишонч билан олиб бормоқда. Огир саноат тез ривожланмоқда. Юз миллионлаб деҳқонлар қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларига кирдилар. Улуғ социалистик ўзгаришлар бўлаётганлиги сабабли бутун мамлакатда меҳнат гайрати тобора ўсмоқда.

Совет халқи шу нарсага қат'ий аминдирки, хитой халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида социалистик қурилишда тўла ва қат'ий ғалабага эришади, дастлабки икки—уч бешйиллик мобайнида ўзининг қудратли индустриясини барпо қилади.

Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Бу муносабатлар кундан-кунга мустаҳкамланмоқда. Икки мамлакат ўртасида яқиндан бўлаётган иқтисодий ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.

Совет Иттифоқи хитой халқига мамлакатни индустриалштиришда қўлидан келганча ёрдам бермоқда. Ма'лумки, бизнинг мамлакатимиз Хитойга 156 та саноат об'ектларини қуришда ёрдам бераётир.

Бугун биз яна қўшимча 55 та замонавий катта корхоналар қуришда Совет Иттифоқининг Хитой Халқ Республикасига ёрдам бериши тўғрисидаги Битимни ҳамда Урумчидан Туркистон-Сибирь темир йўлидаги Оқтўғайгача темир йўл қуришда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимни имзоладик. Бу темир йўл қурилиши натижасида 1960 йилда Хитойдан Синьцзян орқали Совет Иттифоқига бевосита темир йўл қатнови бошланади. Шу билан бир вақтда фан, техника ва маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўхтовсиз кенгайиб бормоқда.

Биз хитой халқига бу улуғ ишда чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилаймиз. Улуғ хитой ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликнинг ҳаҳамияти ва кучи ниҳоят даражада каттадир.

Бизнинг иттифоқимиз ва дўстлигимиз абадий ва бузилмасдир. Бизнинг иттифоқимиз ва дўстлигимиз социализмнинг ва халқлар ўртасида тинчликнинг умумий улуғ ишига хизмат қилади.

Мен Хитой ҳукумати ва Коммунистик партияси учун, хитой халқининг раҳбарлари Мао Цзэ-дун, Чжу Дэ, Лю Шао-ци, Чжоу Энь-лай ва Чэнь Юнь ўртоқларнинг сиҳат-саломатлиги учун, бошқа ҳамма ўртоқларнинг ва улуғ хитой халқининг эсонлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

600 га яқин киши ҳозир бўлган бу қабул маросими хурсандлик билан ва самимий вазиятда ўтди.

МАО ЦЗЭ-ДУН А. И. МИКОЯННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ПЕКИН, 7 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Хитой Халқ Республикаси Раиси Мао Цзэ-дун кеча кечқурун СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси А. И. Микоянни қабул қилган.

Лю Шао-ци ва Чжоу Энь-лай А. И. Микоян блан Ш. Р. Рашидовни қабул қилдилар

ПЕКИН, 7 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитетининг Раиси Лю Шао-ци ва Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай бугун СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси А. И. Микоян блан Ш. Р. Рашидовни қабул қилдилар.

А. И. Микоян Пекиндан жўнаб кетди

ПЕКИН, 8 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари бугун Пекиндан Улан-Баторга учиб кетдилар.

Пекиннинг Ғарбий аэродромида А. И. Микоянни Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай, бош министр ўринбосарлари Чэнь Юнь, Пин Дэ-хуай, Дэн Сяо-пин, Ли Фу-чунь, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосарлари Шэнь Цзинь-жу, Го Мо-жо, Пекин шаҳар Халқ комитетининг раиси Пин Чжэнь, Давлат мудофаа комитети раисининг ўринбосарлари Не Жун-чжэнь ва Лун Юнь, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Вэнь-тянь шунингдек Хитой Компартияси Марказий Комитетининг раҳбар ходимлари, демократик партияларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолучилар орасида СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин ва совет элчихонасининг ходимлари, шунингдек Пекиндаги элчихоналарнинг бошлиқлари ва бошқа дипломатик ходимлар ҳам бор эди.

А. И. Микоян Мўғулистон Халқ Республикасига келди

УЛАН-БАТОР, 8 апрель. (ТАСС). Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян бугун эрталаб Улан-Баторга келди. У блан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва А. И. Микоянинг бошқа ҳамроҳлари ҳам келдилар.

Мўғулистон Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи байроқлари блан безатилган аэродромда А. И. Микоянни Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбал, Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали президиумининг раиси Ж. Самбу, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Д. Дамба, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари Д. Балжинням, Н. Лхамсурун, Б. Ширендиб, министрлар, Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк халқ хуралининг депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, мўғул ва четэл журналистлари кутиб олдилар.

Меҳмонларни СССРнинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги элчиси В. И. Писарев, Хитой Халқ Республикасининг МХРдаги элчиси Хэ Ин, Корея Халқ-Демократик Республикасининг МХРдаги элчиси Хон Дон Чер ҳам кутиб олдилар.

Соат 10 дан 30 минут ўтганда самолёт ерга қўнади. Мўғулистон Халқ-революцион партияси ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумати раҳбарлари совет меҳмонлари блан самимий кўришадилар. Болалар меҳмонларга гуллар тақлим этадилар. Учиш майдони устида СССР ва МХР давлат гимнларининг садолари янграб эшитилади. А. И. Микоян ва Ю. Цеденбал фахрий коровул ёнидан ўтадилар.

Шундан кейин А. И. Микоян блан Ю. Цеденбал машинага тушадилар. Шаҳарга борадиган йўлнинг икки чеккасида Мўғулистон пойтахтининг аҳолиси А. И. Микоянни ва бошқа совет меҳмонларини шодиёна табриклаб турадилар.

УЛАН-БАТОРДА МИТИНГ

Машиналар Сухе-Батор номли майдонга яқинлашадилар. Майдон одамлар блан лиқ тўлган, бу ерда эллик мингга яқин киши тўпланган эди.

А. И. Микоян, Ш. Р. Рашидов, Ю. Цеденбал, Ж. Самбу, Д. Дамба, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари, СССРнинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги элчиси В. И. Писарев ва бошқалар трибунага чиқадилар.

Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбал нутқ сўзлайди. У бузилмас совет-мўғул дўстлиги тўғрисида, мўғул халқи томонидан турмушнинг ҳамма соҳаларида эришилган муваффақиятлар ҳақида, совет халқининг қардошларча ёрдами ҳақида гапиради.

Мўғул халқи ва унинг ҳукумати, — дейди Ю. Цеденбал, — Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатини, барча халқларнинг тўб манфаатларига мос бўлиб туюладиган ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда халқаро кескинликни янада юмшатишга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини тўла равишда ма'қуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Ю. Цеденбал ўз нутқининг охирида мўғул ва совет халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги шарафига табрик сўзлари айтади.

Сўнгра А. И. Микоянга сўз берилади.

Мўғул халқининг, деди у, асрлар бўйи давом этиб келган қолоқликни бартараф қилиб социализм йўлидан муваффақият блан бораётганлиги ва қудратли социалистик иқтисодий ва маданий ҳаётида тубли ўзгаришлар юз берди: шаҳарлар ва ишчи посёлкалари, катта корхоналар барпо этилди, мамлакат орқали ўтадиган биринчи даражали Трансмонгол темир йўли қурилди, бу йўл Мўғулистон Халқ Республикаси экономикасининг янада ривожланишига ёрдам беради ҳамда Совет Иттифоқи, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Хитой Халқ Республикасидан иборат уч қардош давлатни бир-бири блан боғлайди.

Мўғулистон Халқ Республикасида меҳнаткаш аратларнинг фаровонлиги анча юксалди, ёш ишчилар синфи ўсиб етишди, миллий интеллигенция вужудга келди.

Мўғул халқининг фидокорона меҳнати туфайли эришилган муваффақиятларга Совет Иттифоқининг ёрдами ҳам мадад берганлигини билиш биз, совет кишилари учун қувончли бир ҳолдир, деди А. И. Микоян.

Правардида А. И. Микоян иккала мамлакат ўртасидаги бузилмас дўстлик ва маҳкам иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик халқларнинг бахт-саодати йўлида, бутун дун'ёда тинчлик йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланади ва ривожланади, деб ишонч билдирди.

Ю. Цеденбал ва А. И. Микояннинг нутқлари йиғилганларнинг гулдурос давомли қарсаклари блан қайта-қайта бўлиниб турди.

* * *

УЛАН-БАТОР, 8 апрель. (ТАСС). Бугун Мўғулистон Халқ Республикасига келган СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов кун давомида МХР пойтахти — Улан-Батор ҳаёти блан танишдилар.

Меҳмонларнинг Совет меҳмонларини МХР Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбал, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг раиси Ж. Самбу, МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дамба, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари, МХР министрлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, мўғул ва четэл журналистлари кузатиб қолдилар. Меҳмонларни ва унинг ҳамроҳларини СССРнинг МХРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Писарев, совет элчихонасининг ходимлари, Хитой халқ Республикасининг МХРдаги элчиси Хэ Ин, Корея Халқ-Демократик Республикасининг МХРдаги элчиси Хон Дон Чер ҳам кузатиб қолдилар.

Аэродром СССР ва МХР Давлат байроқлари блан безатилган эди. Совет Иттифоқи ва Мўғулистон Халқ Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

А. И. МИКОЯН УЛАН-БАТОРДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

УЛАН-БАТОР, 9 апрель. (ТАСС). Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Мўғулистон Халқ Республикасига келган СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян бугун эрталаб Москвага жўнаб кетди. У блан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган сафарда А. И. Микоянга ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар ҳам жўнаб кетдилар.

Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Совет-Руминия Битимининг имзоланганлиги ҳақида

А Х Б О Р О Т

Самимий дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида Совет ва Руминия ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида 1956 йил 7 апрельда Москвада Совет Иттифоқи блан Руминия Халқ Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Бу Битим СССР блан Руминия ўртасидаги маданий алоқаларни ҳартомонлама янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, маданият, фан, адабиёт, сан'ат, маориф, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт ҳамда шу сингари ишлар соҳасидаги тажриба ва ютуқларни кенг айирбошлашни кўзда тутади.

Битимни ССР Иттифоқи Ҳукуматининг ваколати блан СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари В. В. Кузнецов, Руминия Халқ Республикаси Ҳукуматининг ваколати блан Руминия Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари А. Мэлэшэан имзоладилар.

Битимни имзолаш вақтида совет томонидан — СССР Маданият министрининг Ўринбосари В. Н. Сурин, СССР Олий та'лим министрининг Ўринбосари М. А. Прокофьев, чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениеси раисининг Ўринбосари Н. А. Визжилин, СССР Ташқи ишлар министрлиги шартнома-ҳуқуқ бўлимининг мудири Г. И. Тункин, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-нчи Европа бўлими мудирининг вазифасини ижро этучи К. Д. Левичкин, СССР Маданият министрлиги ташқи алоқалар бошқармасининг бошлиғи В. Т. Степанов, 5-нчи Европа бўлимининг маслаҳатчиси Ю. Н. Черняков; Руминия томонидан — Руминия Халқ Республикасининг Маданият министри К. Крэчун, РХР Маданият министрининг биринчи ўринбосари К. Приси, АРЛУС раисининг ўринбосари О. Мачоле, Руминия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси И. Раб, РХР Маданият министрлиги бошқармасининг бошлиғи И. Кришан, элчихона маслаҳатчиси Т. Влад ҳозир бўлдилар.

Г. М. МАЛЕНКОВ АНГЛИЯДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ЛОНДОН, 7 апрель. (ТАСС). Совет энергетиклари делегациясига бошчилиқ қилган СССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари, электростанциялар министри Г. М. Маленков «ТУ-104» совет пассажир реактив самолётида бугун Лондондан Совет Иттифоқига учиб кетди.

Лондон аэродромида Г. М. Маленковни Буюк Британия марказий энергетика бошқармасининг раиси лорд Ситрин, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик ҳамда СССР элчихонаси ва савдо ваколатхонасининг мас'ул ходимлари, совет энергетиклари делегациясининг а'золари, инглиз ва четэл матбуоти, радио ва кинохроникининг кўпгина вакиллари кузатиб қолдилар. Г. М. Маленковнинг таклифи блан матбуот вакиллари «ТУ-104» самолётини зўр қизиқиш блан кўздан кечирдилар. Улар самолётнинг конструкциясидан ва шинамлигидан қойил бўлганликларини билдирдилар.

Г. М. Маленков аэродромда қуйидаги баёнотни берди:

«Самолётга тушишдан олдин мен совет энергетиклари делегациясининг Буюк Британияда бўлганлиги натижаларидан тўла қониқиш ҳосил қилганлигимизни айтишни истайман. Саноат корхоналари ва электростанциялар блан танишиш, учрашувларимиз ва суҳбатларимиз, мамлакатнинг кўп районларига сафар қилишимиз ғоят фойдали бўлди ва биз ишонамизки, буларнинг ҳаммаси амалий алоқаларни, техника тажрибаси блан алмашишни ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада ривожлантиришга яхши та'сир қилади.

Сизнинг меҳмонлўст мамлакатингиздан жўнаб кетатуриб, биз бу ерда самимий ва хурсандчилик блан кутиб олинганлигимиз учун чуқур миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз ҳамда Буюк Британия халқига самимий салом йўллаймиз. Совет Иттифоқи ва Буюк Британия дўстлиги барча халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатида ўссин ва ривожлансин. Хайр қадрли дўстлар!».

* * *

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Электростанциялар министри Г. М. Маленков 7 апрельда «ТУ-104» реактив самолётда Лондондан Москвага қайтиб келди. Г. М. Маленков Британия энергетик бошқармасининг таклифига мувофиқ Англияга борган совет энергетиклари делегациясига бошчилик қилган эди.

(ТАСС).

БОЛГАРИЯ БЛАН СССР ЎРТАСИДА АЛОҚА, РАДИОЭШИТДИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СОҲАЛАРИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

СОФИЯ, 8 апрель. (ТАСС). СССР Алоқа министрлигининг делегацияси блан Болгария Халқ Республикаси Почта-телеграф ва телефон министрлигининг вакиллари ўртасида Софияда олиб борилган музокаралар натижасида телеграф ва телефон алоқаси, радиоэшитдириш ва телевидение соҳаларида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида кеча протокол имзоланди.

Протоколга СССР Алоқа министри Н. Д. Псурцев ва Болгария Халқ Республикасининг почта, телеграф ва телефон министри Ц. Драгойчева қўл қўйдилар.

«ТУАПСЕ» ЭКИПАЖИНИНГ СОБИҚ БЕШ А'ЗОСИ АҚШДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 8 апрель. (ТАСС). Совет танкери «Туапсе» экипажининг собиқ беш а'зоси — М. И. Шишин, Н. И. Ваганов, А. П. Ширин, В. Д. Рябенко, В. Лукашков Нью-Йоркдан ўз Ватанига, Совет Иттифоқига жўнаб кетдилар.

Ма'лумки «Туапсе» танкери 1954 йилда чанкайшичилар томонидан қароқчиларча ушлаб қолинган эди. Совет танкери экипажи а'золарининг кўпчилиги Тайваньдан Ватанга қайтиб келишга муваффақ бўлган эди. Экипажнинг бир қисми эса ўтган йил Тайваньдан Қўшма Штатларга жўнатилган эди.

М. И. Шишин, Н. И. Ваганов, А. П. Ширин, В. Д. Рябенко, В. Лукашков АҚШ даги совет элчихонасига мурожаат этиб, Ватанга қайтиб кетишда ёрдам кўрсатишни илтимос қилдилар.

Нью-Йоркдаги совет колонияси Ватанга жўнаб кетаётган совет денгизчиларини 7 апрельда самимий кузатиб қолди.

ҲИНДИСТОН-ПОКИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ҲАРБИЙ ТУҚИНИШЛАРГА ДОИР

Ҳинд Министрининг баёноти

ДЕҲЛИ, 7 апрель. (ТАСС) Ҳиндистон информация бюросининг хабар беришича, Жамму ва Кашмир штатининг маориф ва соғлиқни сақлаш министри Муҳаммад Содиқ штат та'сис мажлисининг йиғилишида сўзга чиқиб, Покистон қўшинларининг Жамму ва Кашмир штати районида қилган ҳарбий ҳужумларининг мақсади штат ичидаги тартибни бузишдан ҳамда штатнинг иқтисодий ривожланишига халақит беришдан иборат, деб айтган. Муҳаммад Содиқнинг та'кидлашича, бу ҳужумлар СЕАТО кенгашининг Карачида яқинда бўлиб ўтган сессиясидан кейин кучайган.

Содиқнинг айтишича, штат чегараси қўриқланади ва ҳарқандай ҳужумлардан ҳимоя қилинади. Унинг айтишича, Ҳиндистон чегара районларидаги аҳолининг ҳаётини ва мол-мулкини ҳимоя қилиш учун мумкин бўлган ҳамма чоралар кўрилади.

Югославиянинг табиий офатдан зарар кўрган аҳолисига Чехословакия Қизил Крестининг ёрдами

ПРАГА, 7 апрель. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: Чехословакиянинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги элчиси Вильем Питгарт Югославия Қизил Крест жамияти раиси Грегоричга Чехословакия Қизил Крест жамиятининг 1 миллион 600 минг динар миқдоридаги совғасини топширди. Бу маблағ Югославиянинг шу йил қиш фаслида табиий офатлардан зарар кўрган аҳолисига ёрдам бериш учун сарф қилинади.

Хаммаршельд Ўрта Шарққа жўнаб кетди

ЛОНДОН, 7 апрель (ТАСС). Лондон радиосининг билдиришига қараганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Хаммаршельд кеча кечқурун Нью-Йоркдан самолётда Ўрта Шарққа учиб кетган. Хавфсизлик кенгашининг қарорига мувофиқ, Хаммаршельд Ўрта Шарқда араб давлатлари блан Исроил чегарасидаги аҳвол блан танишиб чиқади.

«ПАХТАКОР» ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўтган дам олиш куни «Спартак» стадионда Тошкент «Пахтакор» ва Молотов шаҳар футболчилари ўртасида «Б» класс бўйича мамлакат биринчилиги учун футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Ўйин бошланиши блан оқ тошкентлилар ташаббусни қўлга олиб, қарши томон дарбозасига кетма-кет ҳужум қилабошлайдилар. Меҳмонларнинг ҳимоячилари ўз дарбозаларини дадил туриб ҳимоя қиладилар. Ниҳоят биринчи таймнинг охирги минутида тошкентлиларнинг қаттиқ ҳужуми туфайли меҳмонларнинг дарбозаси олдида хавфли ҳолат юз беради. Уларнинг ҳимоячилари дарбозага киритилган тўпни қўл блан ушлаб қоладилар. Судья 11 метрлик штраф белгилайди. Лазиз Мақсудов тўпни усталик блан тепиб, дарбозага киритади. Ўйиннинг иккинчи таймида ҳисоб ўзгармади.

Шундай қилиб «Пахтакор» командасининг футболчилари 1:0 ҳисоби блан биринчи ғалабага эришдилар ва турнир жадвалига 2 очко ёзишга муваффақ бўлдилар.

ЮЗ КАТАКЛИ ШАШКА БУЙИЧА РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг спорт залида юз катакли шашка бўйича Ўзбекистон учинчи чемпионати олдидан бошланган шашка мусобақаси давом этмоқда.

Иккинчи турда Шокиров-Бернштейн учрашувлари дуранг бўлди. Ёқубов Полоусовни, Грязнов Гуляевни, Хейер Кругловни ютди. Кройзельбунд Александровга, Канишчикер Раппопортга ютқазди.

Икки турдан кейин Ёқубов, Хейер, Гуляев ва Раппопортлар 1,5 тадан очкога эга бўлиб, олдинда бормоқдалар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Қутлуғ қон**, 11/IV да **Чин муҳаббат**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Оққуш қўли**, 11/IV да **Трубадур**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Фарҳод ва Ширин**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Концерт**. Ўзбекистон ССР халқ артисти **Қори Ёқубов**, эстрада солистлари **Зайнаб Полвонова, Фахриддин Содиқов, Ғулом Тожиа'лоев, Зумрат Ҳожиева**, «Баҳор» хореография ансамбли ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 11/IV да янги программада **катта цирк тамошалари**. Аттракцион — **«Чархпалак автомашина»**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

БУГУН КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Стадионда учрашамиз** (Ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун инглиз бадиий фильми **Леди Гамильтон**. 3-нчи залда кундуз соат 4 — 20 минутда **Венгер оперетласи усталари**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Леди Гамильтон**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Икки капитан**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 03711. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1412.